

«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ ЮТИБ ОЛИНГ!



24.

@Xolisnazar

@Xolis_nazar


www.mahalladosh.uz

Mahalla



№ 34
(2016)

2021 йил 21 август



КўЧА-КўЙДАГИ ЗУРАВОНЛИКЛАРГА

4.

НИСБАТАН «ИНСОНПАРВАР» БЎЛИШИМИЗ Тўғрими?

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ
НОҚОНУНИЙ ҚАРАКАТИ УЧУН
ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИМИ?



16.

ҚОРАМОЛ БОҚИБ
КАМБАҒАЛЛИКДАН
ЧИҚИШ МУМКИНМИ?



18.

ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИНГ
ЯНГИ ТАРТИБИ ИШЛАБ
ЧИҚИЛДИ, БИРОҚ...

6.



ХУСУСИЙ МАКТАБЛАР
ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИМИ?

10.



ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ,
КОРОНАВИРУСГА
ҚАРШИ «ДОРИ»

11.



СУТ САВДОСИ
ТАРТИБГА ОЛИНМАС
ЭКАН, ФОЖИАЛАР
ТЎХТАМАЙДИ

19.

ЭНДИ ДОЛЛАРНИНГ ОШИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот ўтказди. Бундай шаклдаги учрашув ilk бор ўтказилди ва унда жами ўн мингга яқин тадбиркор иштирок этди. Мазкур очиқ мулоқот олдидан тадбиркорларни қийнаётган турли масалаларга оид 15 мингдан ортиқ муурожаатлар келиб тушди. Президентимиз ўз нутқида уларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди.



БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ — бизнесни молиялаштириш

✓ **Банклар капитални ошириш** бўйича келгуси йилда уларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари асосида қўшимча **600 миллион доллар** ажратилади. Бу маблағлар танлов асосида **ҳам давлат, ҳам хусусий банкларга** жойлаштирилади.

✓ Юқоридаги маблағларни жалб қилмоқчи бўлган банкнинг ўзи ҳам ташқи ва ички молия бозорларидан камида **30 фоиз қўшимча ресурслар** жалб қилади. Жумладан, банклар томонидан келгуси йили халқаро молия бозорларида **5 триллион сўмлик** миллий валютада евробондлар чиқарилади.

✓ Банклар четдан ресурсни қандай валютада жалб қилишидан қатъий назар, тадбиркорларга кредитни **миллий валюта – сўмда** ва бизнес вакиллари учун мақбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади. Молия вазирлиги ҳузурда **Валюта хатарларини бошқариш компанияси** ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади. Бундан буён доллар ёки евро курсининг ошиши тадбиркорга қўшимча муаммо ёки ортиқча харажатларни юзага келтирмайди.

✓ Ҳукумат томонидан халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинаётган имтиёзли маблағлар ҳисобидан банкларга бериладиган **кредитларнинг муддатини чеклаш амалиёти** бекор қилинади.

✓ Жорий йил 1 октябрдан бошлаб, илгари **1 миллион долларгача** хорижий валютада олинган 6 мингга яқин тадбиркорнинг жами **1 миллиард долларга** яқин кредитлари, тадбиркор ва тижорат банклари ўртасидаги келишувга асосан, миллий **валютага ўтказиб берилди**. Юқорида таклиф этилаётган механизмлар ҳисобига, тижорат банкларида ҳар йили ўртача **30-40 триллион сўмлик миллий валютадаги, узоқ муддатли қўшимча**

ресурслар шаклланади. Булар ҳисобига, тадбиркорлар миллий валютадаги кредитларни **узоқ муддатга ва ҳозирги ставкалардан камида 5 фоиз** арзон олиш имкониятига эга бўлади.

✓ Бу янги тизимда одамларимиз тадбиркорлик учун кредит оламан деб ҳокимиятга, банкка ёки бошқа идорага бориб юрмайди, асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун таъминотчини қаердан топаман деб, бош қотиришга зарурат қолмайди. Кредитни расмийлаштиришдан тортиб, маҳсулотни олиш-сотишгача бўлган барча жараёнлар **электрон тарзда, онлайн ҳал этилади**. Ўз навбатида, ушбу платформа таъминотчи корхоналар учун ҳам камида **10 триллион сўмлик** бозор яратади. Бу борада, маҳаллабай иш ташкил этиш бўйича «**Андижон тажрибаси**»ни бутун мамлакат бўйлаб кенг қўллаш лозим бўлади.

✓ Жорий йил **1 октябрдан микромолия ташкилотларини лицензиялаш тартиби тўлиқ бекор қилинади**. Энди улар фаолиятини бошлаши учун фақатгина Марказий банк реестрига киришлари kifоя. Шунингдек, бундан буён уларга касса хоналари ташкил этиш, ҳудудларда филиаллар очиш учун **Марказий банкнинг розилигини олиш** шарт бўлмайди. Улар томонидан тадбиркорларга бериладиган **микрокредит (300 миллион сўм)** ва **микролизинг (600 миллион сўм)** учун амалдаги чекловлар ҳам олиб ташланади. Шу билан бирга, микромолия ташкилотларига бошқа ташкилотлардан маблағлар жалб қилиш, **облигациялар чиқариш ҳуқуқлари** ҳам берилди. Шунингдек, ушбу ташкилотлар ҳудди банклар каби **тўловларни қабул қилиш ваколатига** ҳам эга бўладилар. Умуман, ушбу янги имкониятлар ҳисобидан ҳам кредит бозорида тадбиркорларимиз учун йилига қўшимча **10 триллион сўм маблағ шаклланади**.

ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ — солиқ тизимини такомиллаштириш

✓ **2020 йил февраль ойида «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинади**. Шунингдек, ички бозорда тенг рақобат бўлиши учун **экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга олиб келинган хом ашё импорт божидан озод этилади**. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини **7 кун ичида қайтариб бериш тартиби** жорий қилинади. Ушбу тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача **350 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш** ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини беради. Бундан ташқари, четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида **бўлиб-бўлиб тўлашда** тадбиркорларга **фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди**.

✓ Норуда қазилмаларга (қум-шағал, оҳақтош, гипс, доломит каби) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси **2 баробарга камайтирилади**. Бунинг ҳисобига 1,5 мингга яқин корхоналар ихтиёрида йилига **500 миллиард сўм маблағ қолади**.

✓ Жами 13 мингга умумий овқатланиш корхонасини **йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан** озод қилинади. Бу имконият уларга **30 миллиард сўм** қўшимча кўмак деганидир. Уларнинг бошқа солиқлардан мавжуд 35 миллиард сўм **қарзлари муддатлари жорий йил якунигача узайтирилади, кредитларини қайтариш ҳам кечиктирилади**. Шу билан бирга, туризм компаниялари ва меҳмонхоналар туристик йиғимлардан **2 йил муддатга озод қилинади**. Бу – ҳозирги қийин шароитда тушуми камайиб кетган 2 минг нафар тадбиркор ихтиёрида **150 миллиард сўм** қолади, дегани.

✓ Бугунги кунда 5 мингга яқин тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операциялари бўйича **дебитор қарздорлиги мавжуд**. Пандемия сабабли ушбу тадбиркорларга жарима солиш ва бугунги кунгача қўлланилган **6 триллион сўмлик жарималарни ундириш жорий йил якунига қадар тўхтатилади**.

✓ Келгуси йил **1 январдан бошлаб** солиқ идоралари ўз электрон дастурлари орқали бизнес субъектларига ҳисоботларини шакллантириш хизматини йўлга қўяди. **Ҳисоботларни кечиктириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби эса тўлиқ бекор қилинади**.

✓ Келгуси йилдан қўшилган қиймат солиғини **қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартиби** амалиётга жорий этилади.

✓ Келгуси йилдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишда солиқ ва божхона идораларининг **электрон базалари ўзаро боғланади**. Яъни, солиқ идораларида мавжуд қўшилган қиймат солиғи ортиқча тўловлар божхона тўловларини амалга ошираётганда ҳам инobatга олинади. **Ушбу енгилликдан 10 мингдан зиёд тадбиркор фойдаланиши мумкин бўлади**.

ТАДБИРКОРГА МУАММО ТУҒДИРМАЙДИ

УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ — ер ажратиш

✓ Энди қишлоқ хўжалиги ерлари **очиқ танлов асосида фақат ижарага берилади**. Бу танловда барча – деҳқон ҳам, фермер ҳам, агрофирма ва кластерлар ҳам, тенг шартларда иштирок этадилар.

✓ Ноқишлоқ ер майдонлари эса **фақат аукцион орқали сотилади**. Бундан буён ер майдонлари фақат ва фақат очиқ-ошқора аукцион орқали хусусий мулк сифатида сотилади ёки ижарага берилади.

✓ **Корхоналарнинг ҳозирда эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида эгаллаб турган ер майдонлари уларга мулк қилиб расмийлаштириб берилади**. Яъни, бу ерни бошқа одам сотиб ололмайди, уни хусусийлаштиришга фақат ер эгасининг ўзи ҳақли бўлади. Бунда ернинг турига қараб, унинг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, ерлар имтиёзли шартлар асосида ушбу корхоналарга хусусийлаштириб берилади. Бундан кейин тадбиркорлар ердан юқори **ликвидли актив ва гаров объекти** сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

✓ Бундан буён **давлат мулки объектларини, улар жойлашган ер билан бирга ягона мулккий мажмуа сифатида аукцион орқали сотилади**. Бинони сотиб олган тадбиркорлар унга бириктирилган ерга ҳам хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қиладилар.

✓ Бундан кейин янги ер майдонларини аукционга чиқаришдан олдин ҳудуд ривожланишининг аниқ режаси тузиб олинади. Шунингдек, ҳар бир вилоятда маҳсус жамғармалар ташкил этилади ва ер майдонларини сотишдан тушган маблағ тўлиқ туман ва шаҳарлар ихтиёрида қолдирилиб, тадбиркорлар учун инфратузилма яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Магистрал йўллар бўйида лойиҳа асосида ҳар бир ҳудуддан камида 200 тадан ер майдони аукционга қўйилади.

БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШ — экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш

✓ Ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби амалда ўз самарасини берди. Шу боис жорий йил 1 октябрдан ушбу тартиб барча тармоқларнинг **ҳалол ва интизомли** бошқа экспортёрларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

✓ Йилига 20 миллион доллардан ортиқ экспорт қилувчи корхоналарга **5 миллион долларгача имтиёзли кредитлар** ажратилади.

✓ Хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар учун **импорт божи ставкалари пасайтирилади**.



ТўРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ — инфратузилма яратиш

✓ Келгуси йил 1 январдан бошлаб, қиймати 200 миллиард сўмга тенг лойиҳалар бўйича **электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмасини етказиб бериш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади**. Бу имтиёз, ҳозирги кунгача фақатгина 50 миллион доллардан ошадиган хорижий инвесторлар лойиҳаларига қўлланиб келинмоқда.

✓ Келгуси 2 йилда республика бўйича қўшимча **200 та саноат зоналари ташкил этилади**. Уларнинг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш мўлжалланиб, электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл

инфратузилмаси етказиб бериш **тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади**. Ушбу мақсадлар учун, келгуси йилда бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилади.

✓ Келгуси йил бошидан электр тармоғига уланиш тўлиқ **электрон платформага ўтказилади** ва барча жараёнлар **бир босқичга** туширилади. Тадбиркорларни электр тармоғига улаш муддати 20 килловатгача бўлган қувватлар учун – 10 кун, 50 килловатли қувватлар учун эса 20 кун этиб белгиланади. Агар электр таъминоти корхонаси ишларни муддатида яқунла-маса, **улар тадбиркорларга компенсация тўлайди**.



ОЛТИНЧИ ЙЎНАЛИШ — транспорт-логистика

✓ Юк автомобиллари ва темир йўл вагонларини олиб кириш бўйича берилган **имтиёзлар яна 3 йилга узайтирилади**.

✓ Темир йўл тарифлари қайта кўриб чиқилади. Бунда тадбиркорларга ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё импорти учун амалдаги тарифлар камида **25 фоиз арзон бўлиши керак**. Шунингдек, Транспорт вазирлиги келгуси йил 1 январдан бошлаб, ҳар бир хизматнинг таннархи ва унинг таркибини **кенг жамоатчиликка эълон қилиб боради**.

✓ Келгуси йилда ўз вағони ва контейнерига эга бўлган хусусий логистика операторлари фаолияти йўлга қўйилади ва **тарифлар иккига ажратилади**. Бунда давлат томонидан фақатгина темир йўл инфратузилмаси ҳамда локомотив хизматлари тартибга солинади, юк вагонлари хизмати эса бозор тамойиллари асосида ташкил қилинади. Шунинг учун хусусий тадбиркорларга темир йўл вагонларини олиб келишга берилган имтиёзлар **2025 йил 1 январгача узайтирилади**.

ЕТТИНЧИ ЙЎНАЛИШ — тартиб-таомилларни соддалаштириш

✓ Келгуси йил 1 январдан, субсидияларни ажратиш бўйича мурожаатлар «ягона дарча» тамойили асосида қабул қилинади, жараёнда иштирок этадиган **давлат идоралари сони 2-3 бараварга қисқартирилади**.

✓ Келгуси йилдан бошлаб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун барча рухсат этувчи ҳужжатлар «онлайн» тарзда расмийлаштирилади. Жорий йил якунига қадар лицензия ёки рухсатномалар сони яна камида **30 фоизга қисқартирилади**.

✓ **1 ноябрдан** барча техник талабларга тўла жавоб берадиган, замонавий индукцион печлардан фойдаланишга қўйилган **чекловлар бекор қилинади**.

✓ Савдо-саноат палатасига тадбиркорнинг розилиги билан барча текширишларда иштирок этиш ва таъсирчан **жамоатчилик назоратини ўрнатиш ваколати** берилади.

✓ **1 сентябрга қадар** тадбиркорлар билан барча ҳисоб-китоблар якунига етказилиши, бир сўм ҳам қарздорлик қолмаслиги шарт.

КЎЧА-КЎЙДАГИ ЗЎРАВОНЛИКЛАРГА НИСБАТАН «ИНСОНПАРВАР» БЎЛИШИМИЗ ТЎҒРИМИ?

Қарши шаҳрида юз берган мудҳиш жиноят — куппа-кундуз одамлар кўз ўнгида етти нафар шахс томонидан ушу-санда бўйича жаҳон чемпиони, ММА жангчиси Элбек Раҳимовнинг ваҳшийларча калтаклаб рақамсиз автомобилга босиб, олиб кетиб ўлдирилгани жамоатчиликни ларзага солди.

Кўпчилик воқеага томошабин бўлиб турган одамларни айблашди. Ҳа, улар нимадир қилиб қотилликнинг олдини олиши мумкин эди. Лекин бу айтишга осон.

Дарҳақиқат, гувоҳлардан бири — «Гўзаллик саломи»да ишлайдиган қизнинг тўсатдан юз берган воқеадан кучли «шок»ка тушгани ва жабрланувчини қотилларнинг қўлидан қандай қутқариш чорасини тополмагани тўғрисидаги сўзлари ишонарли. Бу вазиятда шундай ҳолга тушиш табиий.

Хўш, эркаклар-чи, улар кўпчилик эди-ку. Тўғри, тўсатдан бошланган ўзига тушунар-сиз воқеага аралашиб пичок, пневматик тўппонча, темир бўлаклар билан қуролланган тўданинг қаршисига чиқиб боришга ҳар ким ҳам ботинолмади. Лекин шу вазиятда бу ҳаракатсизликни оқлаш нотўғри. Жамоатчилик бундай вазиятларга доим тайёр туриши ва очикдан-очик ваҳшийликка нисбатан қаршилик кўрсата олиши керак. Бунинг учун одамлардаги лоқайдлик, қўрқоқлик иллатларини даволаш, уларни ҳар қандай ёвузликка қарши курашда жипс бўлишга ўргатиш талаб этилади.

Асосий муаммо — бундай жиноятлар жамиятда қўрқув пайдо қилишида. Ушбу воқеа фониди ҳам шу нарса юз берди. Кўпчилик ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларини эслади, ўша



даврларда авж олган жиноий тўдаларнинг кўча-кўйдаги жанжалу зўрвонликлари қайта пайдо бўлди, деган хавотирлар уйғонди.

Бунга асос бор. Яна айнан Қарши шаҳридаги супермаркетда сотувчи йигитга беш-ўн нафар безори болалар ҳужум қилиб, пичок ва турли нарсалар билан шикаст етказиши акс этган видеотасвирни кўрган киши шундай хулосага келиши тайин. Аслида кейинги бир-икки йил ичида кўча жанжаллари, пичокбозликлар бошқа шаҳарларда ҳам кузатилгани сир эмас. Мамлакатимизда «хавфсиз шаҳар», «хавфсиз ҳудуд» тамойиллари жорий этилаётган бир пайтда бу каби ҳодисалар нимадан далолат беради?

Жиноятчи қандай муҳитда «тарбияланади»?

Таъкидлаш зарурки, безориликка қўл

уриб жиноят содир этаётган ёшлар четдан келиб қолгани йўқ. Шу юртнинг фарзандлари. Уларнинг тақдири ҳам биз учун аҳамиятли. Эътибор берсак, спортчининг қотилларига бошчилик қилган шахс ҳамкасби бўлиб чиқди. Бунинг устига, низо-жанжал ҳам спортдаги рақибликдан келиб чиққан.

Албатта, жиноятга спорт айбдор эмас, бу ҳолат ҳар қандай соҳада юз бериши мумкин. Гап жисмоний кучига ишонган айрим ёшларнинг жиноий тўда ташкил қилиб, зўравонликларни амалга оширишга уринишидир. Умуман олганда, кўп нарса инсон тарбияланаётган маънавий муҳитга боғлиқ. Қарши шаҳрида мазкур жиноятга доир маълумотлар берилган матбуот анжуманида ҳам бу фикр исботланди.

— Ушбу мудҳиш қотилликда гумонланувчиларнинг ижтимоий портретига эътибор қа-

ратадиган бўлсак, икки нафари илгари судланган, — деди **Ички ишлар вазир Пўлат Бобожонов**. — Асосий гумонланувчининг отаси, ўз укасининг хотинини ўлдириб, қамоққа олинган. Яна бирининг онаси узоқ муддатга уйдан чиқиб кетган, бошқасининг ота-онаси ажрашиб кетиши оқибатида қаровсиз қолиб, қариндошлари қўлида ўсган. 2000 йилда туғилган йигитнинг отаси 2012 йилда вафот этган. Онаси Россия Федерациясига турмушга чиқиб кетган. Яъни ота йўқ, она иш-лашга кетган. Тарбияни кўчада олган. Уларнинг орасида вояга етмаган мактаб ўқувчиларининг ҳам борлиги ачинарлидир. Масалан, улардан бири — 2005 йилда Қарши шаҳрида туғилган, вояга етмаган 11-синф ўқувчиси. 2009 йилда ота-онаси ажрашган ва иккаласи ҳам бошқа турмуш қурган ва бола бувисининг қўлида қолган. Яна бири 2004 йилда туғилган, мактаб ўқувчиси. Унинг отаси ҳам жиноят қилгани боис, жавобгарликка тортилган. Хуллас, улар кўча тарбиясини олиб, катта бўлишмоқда. Шу боис бундай носоғлом муҳитда ўсётган ёшларнинг тарбиясига жуда эҳтиёт бўлишимиз керак. Бунда нафақат ички ишлар ходимлари, балки бошқа ташкилотлар ҳам ҳушёрликни ошириши, доимий назоратни олиб боришлари зарур, деб ўйлайман.

Жазони кучайтириш зарур

Яна тўқсонинчи йилларга қайтсак, ўшанда жамиятга катта хавф туғдирган жиноятчилик ҳолатлари қандай жиловланган эди, деган табиий савол туғилади. Албатта, содир этилган жиноий ҳаракатларга нисбатан жазо чораларининг кучайтирилиши, аёвсиз курашилиши вазиятни яхшилаган эди.

Ҳозир ҳам шу усулни

қўллаш керакми? Журналист «Майда безориликлар аксар ҳолларда ярашув орқали ҳал қилинапти ва улар катта жиноятга олиб бормоқда. Балки майда безориликларга ҳам жиддий жазо қўллаш керакдир?» — дея савол берганда, **Ички ишлар вазир** ҳам ушбу фикрни қувватлаб: «Кимдир ичади, кейин мени туртиб кетдинг, дейди, шундан уруш бошланади. Ёки уйдаги майда жанжалдан катта жанжал келиб чиқапти. Кимдир спиртли ичимлик ичиб уруш қилади, пичок уради, кимдир ўлади. Шу тариқа икки оила бутун умр душманга айланиб қолади. Тўғри, мавзунини кўтардингиз, биз ҳам майда жиноятларга жазони кучайтириш тарафдоримиз», — деди.

Тўғриси айтганда, қонунларимиз олдинги даврларга қараганда мукамаллашган, халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлашиб, инсонпарварлик тамойилларини бирмунча ўзиди акс эттирган. Бошқача айтганда, жиноятлар учун бериладиган жазолар юмшаган. Аслини олганда, ривожланган давлатларда ҳам безорилигу қотилликлар кўп содир этилади, бироқ бу борада улар бизга ибрат бўлолмади.

Умуман олганда, бу каби салбий ҳолатлар жамият учун жиддий хавфни юзага келтиради. Айниқса, бизда вазиятни янада ёмонлаштириши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан кўча-кўйда содир этиладиган зўравонликларга юмшоқ муносабатда бўлиш мантиқан тўғри эмас. Ҳар ҳолда ёвузлик, ваҳшийликларга нисбатан жазоларимизнинг «инсонпарвар» бўлишини қабул қилиш қийин. Назаримизда, айнан қотиллик ва унга олиб келадиган жиноий ҳаракатларга нисбатан қўлланиладиган жазоларни кучайтириш энг тўғри қарордир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИГА ҚАРАМ БЎЛИБ ЯШАЙМИЗ»

Бизнинг одамларимиз чорвачилик орқасидан тирикчилик ўтказди. Чунки табиий шароит шунга имкон беради. Аҳолининг кўпчилиги қисми ҳудудимизда жойлашган наслчилик хўжалигида ишлашди.

Айни пайтда хонадонларда ҳам мол-қўйлар кўп. Бу доимий бандлик ва даромад дегани. Шу боис қишлоқларимиздан четга бориб ишлаётганлар кам. Тўғри, мамлакатимизда ҳозирги кунда қурилишлар, саноат корхоналари кўпайгани боис айрим ёшларимиз пойтахтда ва бошқа жойларда қонуний асосда меҳнат қилишмоқда.

Умуман олганда, чорвадорларнинг ҳаёти, муаммолари бошқаларникидан фарқ қилади.

Бу турмуш тарзига ўрганиб кетганмиз. Лекин бизни қийнаётган, ечиш мумкин бўлган масалалар ҳам бор. Энг асосийси — сув муаммосидир. Бу дашту чўл шароитида табиий ҳолат. Бу йилги қурғоқчилик эса ушбу вазиятни янада оғирлаштирди. Ичимлик сув тақчил, деб ўйлаётгандирсиз. Тўғри фақат шу эмас. Чорвага ҳам кўп сув керак, яъни мол-қўйларни сўғориш учун. Бизда сув машинада ташиб келтириб сотилади. Ҳозир

сув камлиги учун нархи қимматлашди. Шу ҳам тез-тез келса денг.

Ҳозирги замонда инсоннинг табиат ҳодисаларига қарам бўлиб яшашини кўпчилик тасаввур қилолмади. Афсуски, биз шуни ҳис қилиб яшаймиз. Масъул идоралар ушбу масалага эътибор қаратишса, яхши бўларди.

Бахтиёр НИКИЕВ,
Ғузор туманидаги
«Эшонқудук»
маҳалла фуқаролар
йигини раиси.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ДАВЛАТ ТИЛИНИ БИЛИШИ ШАРТ... (МИ?)

Интернетда Гидрометеорология хизмати маркази ўтказган матбуот анжуманида ўзбек тили билан боғлиқ баҳс жамоатчиликларида турфа фикрларга сабаб бўлди. Ҳаммаси журналист Илёс Сафаров депутат, Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Елена Бабенкога «Нега ўзбекча гапирмадингиз?», деган саволидан бошланди.

Аслида шу ерда халқ вакили ва тadbир ташкилотчилари битта узр билан вазиятни юмшатиши мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. Депутат қайтага, рус тилидаги ноёб мутахассис эканини важ-карсон қилиб, журналистдан саволини русча беришини талаб қилди. Камига «Ўзгидромет» раҳбари Шерзод Ҳабибуллаев ҳам бу ходимнинг ноёб мутахассислигини, қолаверса, соҳа бўйича манбаалар, асосан, рус тилида эканини рўқач қилди.

Хўш, аслида давлат раҳбарлари, жумладан, депутатлар амалдаги қонунчиликка кўра бу каби тadbирларда давлат тилида маъруза қилиши, ҳеч бўлмаса, таржимон ёрдамидан фойдаланиши керакми?

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти муdiri Абдуғаффор Қирғизбоев

бу ҳақда тўхталиб, ўзбек тилини билмайдиган раҳбарларни кескин танқид қилганди. Жумладан, бу – шармандалик ва уят эканини таъкидлаганди.

Шу вазиятда департамент қандай ҳуқуқий чора кўра олади? Айтайлик, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатларнинг Давлат тилига риоя этилиши ёки этилмаслиги бўйича ҳаракатлари устидан тақдимнома ёки тавсиянома кирита оладими?

— Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан бу каби ҳолатлар доимий эътиборда бўлади, — дейди **Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти бош мутахассиси Фахриддин Ҳайитов**. — Умуман, ўтган даврда тилимиз софлиги, унинг ривожини йўлида пойдевор қўйилди. Яъни, ўзбек тилини ривожлантиришга доир масала Президентимизнинг фар-

монлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, шунингдек, меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Лекин фақат бир томоннинг ҳаракати билан мақсадга эришиб бўлмаганидек, энди бу қонунларни амалда ишлаши учун ватандошларимиз томонидан ҳам жавоб бўлиши керак. Ҳар биримиз, аввало, ўз тилимизни ҳурмат қилишимиз, бунда бошқа миллат вакилларига ўрнак бўлишимиз муҳим. Афсуски, мана шу жиҳатдан камчиликларимиз кўп. Мисол учун, ҳар ойда режали тарзда давлат тилига риоя этилишини назорати бўйича текширувлар ўтказамиз. Қувонарлиси, вазирлик ва идоралар тизимида давлат тилига риоя этилиши билан боғлиқ ишлар 80 фоизга бажарилди.

Энди бевосита давлат хизматчилари давлат тили қоидаларига амал қилишига тўхталсак, давлат хизматчилари дав-

лат тилини билиши лозим. Бунинг учун юртимизда меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган.

Шу кунларда «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши кутилмоқда. Айтиш керакки, бу қонун қабул қилиниши баробарида юқоридаги баҳсли мавзуларга ҳам чек қўйилади. Унда давлат хизматчиларининг давлат тилига риоя этиши, тadbир ва йиғилишларга таржимон ёрдамида қатнашиши каби масалалар ҳам аниқ белгиланган.

Бошқа тилда сўзлашувчи ватандошларимиз учун ўзбек тилини ўрганиши бўйича Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети ҳузурда давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда барча ҳудудларда мазкур марказ филиаллари очилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги фармонида ҳам 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланади ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этилиши белгиланган.

Энди бевосита саволингизга тўхталадиган бўлсак, департаментимиз томонидан давлат хизматчилари орасида қонунлар ижроси бўйича хатоликлар кузатилса, огоҳлантириш, тақдимномалар киритиш, тавсиялар бериш йўлга қўйилган. Юқоридаги вазиятда ҳам биз, албатта, Олий Мажлис

Қонунчилик палатасига ходимларни давлат тили қонунларига амал қилиши юзасидан ўз тавсияларини берамиз.

Яна бир оғриқли масалани айтиб ўтиш ўринли. Афсуски, аксарият ҳолларда ҳамюртларимиз ҳам ўзлари англамаган ҳолда тилимизга ҳурматсизлик қилишарганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, тadbиркорлар томонидан жойлар, тadbиркорлик субъектларини, савдо дўкони ва ресторанларнинг номланишида хорижий атамалардан фойдаланиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Ўзи аслида ҳам бу ерда тортишадиган баҳсли ҳолат эмас. Қонунга кўра, давлат хизматчиси давлат минбаридан туриб гапирари керак бўлган ягона тил бу давлат тилидир.

Энди кимдир зўр бериб, бу ҳолатдан бошқача маъно ясаётган бўлса, жавоб аниқ. Кўча-кўйда, маиший муносабатларда қайсидир ватандошимиз ўз тилида гапирса, буни бағрикенглик билан қабул қиламиз. Агар унинг тилини билсак, имкон даражасида у билан унинг тилида сўзлашамиз. Аммо давлат тadbирларида минбарга чиққан ҳар бир хизматчи ўзбек тилида гапирарини истаймиз. Бундан бошқа маъно излаш шарт эмас.

Мақолани ҳинд йўлбошчиси Махатма Гандининг «агар ўзингиз яшаётган давлат тилини билмас экансиз, унда сиз ё телбасиз ёки босқинчи», деган сўзлари билан якунлашни истайдим. Хулоса ўзингиздан.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«АҲОЛИ МУАММОЛАРИ 1 ОЙДА ЕЧИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ»

Вилоят марказидан 65-70 км., туман марказидан эса 30-35 км. олисда жойлашган маҳалламиз йўллари таъмирга муҳтож. Электр таянч устунлари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Тоza ичимлик сув таъминоти ҳам талаб даражасида эмас.

Бу масалалар шу кунга қадар одамларнинг ичидаги дарди эди. Қувонарлиси, бугун неча йиллик орзулар ушалмоқда.

Гап шундаки, яқинда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов аҳоли вакиллари билан учрашиб, ҳудуддаги мана шу каби муаммоларга тезроқ ечим топиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Айни пайт 1 та сув иншооти ва насоси таъмирланмоқда. Шу билан бирга, янги тармоқлар тортилиши ҳам режага киритилди. 1 та янги трансформатор пункти ва 120 дона таянч устунлари ўрнатилиб, 3 км. электр тармоғи тортилмоқда.



Мавжуд 9,5 км. йўлни асфальтлаш, ички кўчаларни шағаллаш ишлари ниҳоясига етса, шаҳардан қолишмайдиган шароитларга эга бўламиз.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари таъмирланиб, аҳолига янги иш ўринларини яратиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Эътиборлиси, вилоят

ҳокимимиз томонидан аҳоли муаммоларини узоғи билан 1 ой муддатда бажарилиши бўйича топшириқ берилди.

Маҳаммадали ХОЛМАТОВ, Мингбулоқ туманидаги «Бешсерка» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ, БИРОҚ...

Яқинда ипотека кредити олиш учун икки ой 3 та банкка қатнаб, сарсон бўлдим. Ҳар бир банкнинг бир-бирига тўғри келмайдиган ўз талаби бор. Ҳужжатбозлик, ортиқча ово-рагарчилик ҳамон давом этмоқда.

Қизиғи шундаки, сиз ипотека кредити асосида сотиб олаётган уй банк ҳисобига гаровга олинса-да, уни яқин қариндошингиздан сотиб ололмайсиз. Ҳатто, бошланғич тўловию отнинг калласидай фоизини тўлаш қобилиятига эга бўлсангиз ҳам.

Фоизлар катта, муддатлари қисқа банкларимизда ҳамон ҳужжатбозлик, бюрократик, мантқиқсиз тизимлар ишламоқда. Бунни кунни кеча Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти олдида ўрганилган мурожаатлар ҳам тасдиқлади.

Буни қарангки, давлат раҳбарига бўлаётган мурожаатларнинг 42 фоизи тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалари ва муддати қисқалиги, умуман, кредитлар билан боғлиқ.

Яна бир оғриқли масала шундаки, йиллар давомида «қўли калта» оилаларнинг фарзандлари тўлов-контракт асосида ўқишга кирса ўқиёл-



май келяпти. Нега дейсизми? Ахир 400 минг пенсия олаётган ёки ойига 1-2 млн. сўм топаётган оддий халқ қандай қилиб 7-10 млн. сўмлик кредит пулини тўлаши мумкин? Саволлар кўп, жавоблар йўқ, бир-бирига зид талаб ва тартиблар эса талайгина.

Таълим кредити олсин дейсизми? Ҳа бундай йўли ҳам боркуя, лекин ушбу таълим кредитини олиш ҳам минг бир азоб. Ҳужжатбозлигу турли хил машмашаларни ўзим ҳам бир пайтлар бошимдан ўтказгандим.

Янги Ўзбекистонда

ана шундай оғриқли масалаларга ечим изланаётгандай. Кунни кеча Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, таълим кредитлари олий таълим ташкилотларининг кундузги таълим шаклида бакалаврият ва магистратурага тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган, шунингдек,

ўқишини кўчирган Ўзбекистон фуқароси бўлган талабаларга берилади.

Қувонарлиси, таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади.

Таълим кредити кредит олувчига Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридан ажратилади. Бунда Марказий банкнинг асосий ставкаси пайсайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаяди, Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган тақдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолади.

Бироқ мазкур тартиб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳамда тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағларидан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган таълим кредитларига нисбатан татбиқ этилмайди. Шунингдек, табақалаштирилган тўлов-контрактни ва унинг минимал миқдорига тенг бир марталик бошқа тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратилмайди.

Ҳужжатбозлик ишлари бироз камайгандек, лекин...

Таълим кредитини олиш учун Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган тижорат банкларига, аввало, ариза билан мурожаат қилинади. Унга қўшимча равишда тўлов-контракт шартномаси ва унга илова қилина-диган ҳисоб варақаси/фактураси (мавжуд бўлганда) тақдим этилади. Шартномада ўқишни тамомлашнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори ҳам кўрса-

тилган бўлиши лозим. Энг оғриқлиси, таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат ҳам керак. Бунда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га кирган оилаларнинг фарзандларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафилик талаб этилмайди. Лекин бунинг учун «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома («Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар фарзандлари учун) керак бўлади.

Ушбу низомда талабларида ҳам аҳолининг асосий қатлами четдан қолгандек. Низомда қайд этилишича, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллиси, эри ёки хотини) ёки васийлари биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашиши мумкин. Бироқ қишлоқ аҳолисининг аксарияти доимий даромад манбаига эга эмас. Айримлари мавсумий ишлар билан шуғулланишса, баъзилари деҳқончилик ва чорвачилик орқасидан кун кечиришади.

Яна бир ҳолат шундаки, таълим кредити шартномаси тўлов-контракт шартномасида кўрсатилган бир йиллик тўлов суммасига тенг миқдордаги суммага тузилади. Агар талаба 4 йилга кредит олмоқчи бўлса-чи, унда ҳар йили қайта-қайта шартнома тузиб, банк эшигида сарсон бўладими?

Хуллас, банк-кредит соҳасида оғриқли, эътирозли масалалар кўп. Шу боис янги Ўзбекистон даврида банк учун ҳам қулай, очик, шаффоқ, тезкор тизим яратилиши лозим. Хўш, сиз нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Достон РУСТАМОВ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«25-30 йиллик муаммоларимиз ҳал этилмоқда»

Маҳалламиз «Обод маҳалла» дастурига тушиб, 25-30 йиллик муаммоларимиз ҳал этилмоқда. Хусусан, 18 км. қувурлар тортилиб, аҳолимиз тўлиқ ичимлик сув билан таъминланмоқда.

Айни пайтда ҳар бир хонадонга сув қувурлари қиритилиб, ҳисоблагич қурилмалари ўрнатилиб, ҳовуз қурилмоқда.

Шунингдек, 4 та кўчамиз шағаллаштирилиб, шебен ётқизилди. 4 км. 200 метр қисми асфальтланди. Қувонарлиси, асосий кўчамизга ёриткич чироқлари ўрнатилди. Бу аҳолимиз учун катта қулайлик бўлди.

Эски маданият маркази қайта таъмирланиб, рақс, доира, рубоб, чеварчилик тўга-

раклари фаолияти йўлга қўйилди. Кутубхона ташкил этилиб, ёнидан қолипли нон ишлаб чиқариш цехи ҳам ишга туширилди. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан 50 хонадондаги ички муаммолар ҳал этилди.

Яна бир янгилик – тадбиркор Мирзохид Умрзоқов томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосида маҳалла идораси қурилди. Бу ерда маҳалла идорасидан ташқари, гўзаллик сало-ни, озик-овқат ва

қурилиш моллари савдо дўкони ишга туширилади.

Аҳолимиз, асосан, деҳқончилик – полиз маҳсулотлари, жумладан, сабзи етиштиришади. Қолаверса, ҳар бир хонадонда 5-6 сотихдан узум бор. Шу боис бизда ишсизлик ёки иқтисодий муаммолар камдан-кам учрайди.

Раҳмонали АБДУЖАЛИЛОВ, Бўстон тумани «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Халқ таълими вазирлиги маълумотига кўра, янги 2021-2022 ўқув йилида мактабларда дарс жараёни гибрид (ҳам анъанавий, ҳам масофий) шаклда давом эттирилишига тайёргарлик кўрилмоқда.

ЎТГАН ЙИЛГИ ТАЖРИБАДАН

НЕГА ХУЛОСА ЧИҚАРИЛМАДИ?

Бунда мактабда юзага келадиган вазиятга қараб, мактаб Санитария-эпидемиология назорати марказлари таклифига асосан, маҳаллий Кенгашлар қарорларига мувофиқ, айрим мактаблар карантинга ёпилиб, масофавий тизимга ўтказилиши мумкин.

Албатта, бутун дунёда ҳукм сураётган пандемия шароитида турли усулларни қўллаб кўришдан бошқа чора қолмаяпти. Албатта, бу ўринда **одамларда танлов имкониятини бўлиши муҳим аҳамиятга эга.** Зеро, дейлик, бу йил биринчи синфга борадиган фарзанди онлайн мактабда ўқий олишига кўпчиликнинг кўзи етмайди. Ишлайдиган, фарзанди билан кун давомида онлайн дарслар қила олмайдиган, шунингдек, болалари билан оилавий тарзда коронавирус юқтириб, даволаниб бўлган ота-оналар учун мактаб очилгани дуруст. Пандемия қачон тугашини билмаймиз, ёнма-ён яшашни ўрганишга мажбурмиз.


Вирусга чалинмаган оилалар хавотирида ҳам жон бор. Болаларда касаллик осон ўтса-да, оиланинг катта ёшдаги

аъзоларига ташувчи бўлишлари мумкин. Фарзандлари саломатлиги ва оилавий изоляциясини ўйлаётган ота-оналарга эса онлайн таълим аввалгидек давом эттирилса, яхши бўларди. Шунинг учун ҳам гибрид шаклдаги таълимнинг йўлга қўйилиши маъқулдек. Бироқ...

Онлайн таълим қанчалик самарали бўлди?

Ўтган ўқув йилидаги масофавий таълим, онлайн таълим қанчалик самарали бўлди? Зеро, ушбу таълим шакли марказий шаҳарлардаги мактабларда самарали бўлгандир, лекин чекка қишлоқ мактабларида бундай деб бўлмайди. Чунки **кўплаб ўқувчилар маълум бир босқичдаги билим, малака, кўникмаларни эгаллаётгани олмасдан қолишди.** Тўғри, айрим етарли маблағга эга бўлган ота-оналар фарзандларини репетиторга бериб, қўшимча дарс олишди, аммо ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ-да.

— Фарзандларини анъанавий дарс бошланган мактабларда онлайн ёки офлайн ўқитилиши ота-онанинг танловига қолди-



рилгани ҳам кўплаб ўқувчиларнинг мактабга бормай, тўлиқ репетиторга қатнашига олиб келди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Музаффа Абдиева.** — Бу эса мактабда таълим тизимининг издан чиқишига олиб боради, назаримда. Менимча, янги ўқув йилидан бошлаб мактабда юзага келадиган вазиятга қараб, Санитария-эпидемиология назорати марказлари таклифига асосан, маҳаллий Кенгашлар қарорларига кўра, карантинга ёпилган мактаблардан ташқари, бошқа барча муассасаларда тўлиқ анъанавий таълимга ўтиш, унда касаллиги тўғрисида тиббий маълумотномаси бўлган ўқувчилардан бошқа барча ўқувчилар мактабга қатнаши тўлиқ назоратга олиниши зарур.

Онлайн таълим сифати қониқарлими?

Масофавий таълим ҳақида сўз кетар экан, яна бир жиҳат кўзга ташланади: **дарсларни онлайн тартибда ўтказиш учун барча ҳудудларда ҳам шароит яратилганми? Карантинга олинган мактаблар юқори тезликдаги интернет билан таъминланганми?**

Расмий манбаларда халқ таълими тизимидаги 9 минг 114 та (91 фоиз) мактаб юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига улангани, 4 минг 715 та муассаса ички локал тармоқ ускуналари, Wi-Fi қурилмалари билан таъминлангани қайд этилган. Бироқ ҳолат ўрганилганда, реал вазият **юқорида келтирилган рақамлардан анча узоқдалиги** маълум

бўлди. Мобиль интернет тезлиги ва нархи бўйича ҳам муаммолар оз эмас. Бу ҳақда жуда кўп гапирилган, аммо қишлоқ жойларида муаммо муаммолигича қолиб кетмоқда. Энди ўйлаб кўринг, шундай шароитда онлайн тартибда дарс ўтиб бўладими?

Бу ўринда **онлайн таълим сифати бўйича ҳам кўпчиликда савол туғилмоқда.** Тўғри, телевидение орқали онлайн дарслар худди мактабдагидек жуда чиройли, тушунарли тарзда олиб борилди. Шу билан бирга, айрим фанлар, хусусан, инглиз тили дарсликлари худди юқори синф ўқувчиларига тайёрланганга ўхшайди, на альфавит билан таништирилди, на луғат билан... Ҳозирда боғчага қатнаган болажонларнинг инглиз тилидан озроқ хабари бордир. Лекин Ўзбекистондаги мактабгача таълим ташкилотига қамраб олиш даражаси 60-65 фоизни ташкил этадиган бўлса, қолган боғчага бормаган болажонларимизнинг чет тилидан умуман хабари йўқ-ку?!

— Набирам билан бирга дарс қилдик, очиги, хафа бўлдим, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Дилбар Мамажонова.** — Инглиз тили дарслигида лингафон хоналаридан, дисклардан фойдаланиш тавсия этилган. Ҳозирги кунда чекка қишлоқда жойлашган мактаблар 100 фоиз шунга мослашганми? Мослашган тақдирда ҳам фақатгина битта синф мослашгандир, қолган болалар-чи?.. **Онлайн таълим олаётган болажонларимиз учун эса бу ҳам бир муаммо.** Хуллас, дарслик билан танишар экансиз, кўплаб шундай саволларга дуч

келасиз. Фарзандини билимли қиламан, деган ота-оналаримиз қўшимча маблағ сарфлаб репетитор ёллашга мажбур бўлишади. Имконияти йўқ оилалардаги фарзандларимиз эса бу дарсларни ўзлаштиришга улгурмайди ва натижада уларнинг дарсга бўлган қизиқиши йўқолади.

Очиғини айтадиган бўлсак, пандемия кўплаб камчиликларимиз, заиф томонларимизни рўй-рост кўрсатиб қўйди. Хулоса чиқаришга туртки берди. Таълим тизими масъуллари ўтган йилги тажрибадан қандай хулоса чиқарди, билмадик, бироқ юқоридаги масалалар ечимини топмас экан, ахборот замонида сиёратли, арзон интернетсиз нафақат таълим тизимида, балки бошқа соҳаларда ҳам тараққиётга эришиб бўлмайди.

Бизнинг-ча, мактаблар тўлиқ ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланиши, жумладан, оптик толали интернет тармоғига уланишининг ҳақиқий ҳолати ўрганилиши, камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳукумат доирасида чора-тадбирлар кўрилиши керак. Бундай кўламдаги ишни муайян бир вазирлик ёки маҳаллий ҳокимиятлар кучи билан амалга ошириб бўлмайди.

Фарзандларимиз таълим-тарбияси билан боғлиқ ташкилий ишларни орқага суриш кейинчалик жуда қимматга тушиши мумкин. «Масофадан ўқишга ўтказилсин», деб қарор чиқариш осон, айти пайтда масофадан ўқишга шароит яратиш ҳақида ҳукуматда аниқ режа бўлиши зарур.

Содиқ
АБДУРАСУЛОВ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

УЧ ПОҒОНАЛИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИГА ЎТИЛАДИМИ?

— Ўтган йили уч поғонали пенсия тизимига ўтилиши ҳақида сўз юритилганди. Бу тизим тўхтатилдими? Нега маълумот берилмаяпти?

Насиба
ШУКУРОВА.
Қашқадарё
вилояти.

Фаррух ПАРДАЕВ,
Пенсия жамғармаси бошқарма бошлиғи:
— 2030 йилгача пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Шу концепцияда уч поғонали пенсия тизими ташкил этилади.
Биринчи поғо-

на кафолатланган пенсия, яъни талаб қилинган стажга эга бўлганларда давлат томонидан кафолатланган пенсия ҳисобланади. Иккинчиси — суғурталанган пенсия. Унда иш стажи ва иш ҳақи мутаносиб равишда белгиланади. Учтинчиси эса жамғариб бориладиган пен-

сия, яъни ҳар ким ўзининг жамғариб борган ҳиссасига қараб олади.
Уч поғонали пенсия тизими жаҳон ва МДХ давлатларида ҳаётга татбиқ этилган. Ўзбекистон ҳам жаҳон стандартларига асосан уч поғонали пенсияга ўтиш бўйича концепция лойиҳасида кўзда тутилган.

ГҶШТ НАРХИ ЧОРВАГА БОҒЛИҚ, АММО ЧОРВАНИНГ ҲОЛАТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг нарх-навоси, албатта, чорвачиликка бориб тақалади. Чорвалар сони кўпайса, ундаги муаммолар бартараф этилса, маҳсулот қанча кўп бўлса, демак, нарх-навони мўътадил ушлаб туриш мумкин. Кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш ва уни қай тарзда ушлаб қолиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хўш, бугун чорвачилик қай ҳолатда?

Чорвани боқишга яйлов етмайди

Доимий қурғоқчилик ва яйлов ерларининг кескин ўзлаштириб борилиши оқибатида бугун Ўзбекистон чорвачилиги жиддий хавф остида қолмоқда. Мамлакатдаги 94-95 фоиз чорвани етиштириб берувчи аҳоли вакилларининг кўпчилигида чорва боқишга жой, едириш учун озуқа йўқ. Шу сабабли одамлар бугун мол, қўйларини бозорда анча арзон нархда, асосан, қассобларга сотишга мажбур бўлмоқда.

Мутахассисларга кўра, аҳвол шу даражада давом этиб, шошилинч чоралар кўрилмас экан, мамлакатни жуда оғир оқибатлар: чорва сонининг камайиб кетиши, гўшт ва сут маҳсулотлари нархининг эса кескин ошиши кутади.

— Бизда ҳақиқатан ҳам яйлов-чўл минтақаларидаги ўсимликларнинг сони, айниқса, озуқавий қиймати юқори бўлган ўсимликларнинг камайиб бораётгани сезилмоқда, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Насриддин Ҳалилов. — Бу йилги каби ёгингарчилик кам йилларда бундан-да камайиб кетиши турган гап. Муаммо жуда



долзарб, бир томондан яйловлар фермерларга бўлиб бериляпти, бошқа томондан, биз айтяп-мизки, ҳосилдорликни ошириш учун агротехника шартлари ўтказилиши керак. Яйловларни фермер ёки кластерларга бераётганда уларга ўша ернинг ўсимлик қопламани ўстириш, чўлланишга қарши курашиш, янги озуқа экинларини экиш, уларнинг тури ва сонини кўпайтириш бўйича шарт қўйилиши керак. Бордию, аввалгидай яйловга эътиборсиз бўлиб фойдаланишда давом этса, бори ҳам йўқ бўлади.

Бундан ташқари, биз катта-катта сурувга эга фермерларнигина эмас, кўлида 10-15 бош қўй-эчки, 4-5 бош қорамол бўлган аҳолини ҳам ўйлашимиз керак. Ҳозир республикада 13 млн.дан ортиқ қорамол мавжуд. Уларга даладан ўриб келган беда, сотиб оладиган сомондан ташқари, яйловлар бар-по этиш масаласи ҳам

турибди. Республикадаги чорванинг озуқага бўлган эҳтиёжи 120 млн. тоннани ташкил қилади. Бу озуқа бирлиги ҳисобида ўлчаганда. Энди шунинг 60-65 фоизини хориждан валютага сотиб оламиз. Келажакда арзон гўшт, сут, колбаса маҳсулотларига эга бўлишни истасак, яйловларни жойига қўйиб қўйишимиз керак. Биринчи навбатда озуқани ўзимизда етиштиришга эътибор бериш лозим. Қачонгача хориждан ем сотиб олиб, арзон гўштни орзу қиламиз.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг яйлов-чўл минтақасида 23 млн. қўй-эчки боқилляпти. Майдонимиз эса 21 млн. гектарга етади. Бунда Қизилқум, Қарноқчўл, Қорақум каби жуда катта массивларни ҳисобга олинган тарзда хом-чўт қилинляпти. Мана шу майдонларнинг маҳсулдорлиги пасайиши охириги йилларда жуда кучайиб кетди. Бунга

сабаб эса яйловлар деградацияга учради. Қўполроқ қилиб айтганда, таназзулга учрай бошлади. Бунинг биринчи белгиси чўлланиш жараёни кучайганида кўринади.

Имтиёзли кредитлар муаммони ҳал эта оладими?

Президентимизнинг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори бўйича, банклар томонидан аҳолига чорва молларини 3 йил муддатга, қайта молиялаш ставкаси билан тенг фоизда, имтиёзли давр билан кредитга бериш белгиланган. Аввалига кредит ҳар қандай майда ва йирик шохли моллар учун ҳам берилаверди, кейинчалик республика ичидаги моллар айланмасининг олдини олиш, туёқлар сонини кўпайтириш мақсадида фақат импорт қилинган зотдор қорамолларга кредит ажратиш келинмоқда.

Бундай кредит учун гаров таъминоти ва бошланғич тўлов йўқ. Фуқаро таъминотчи билан шартнома тузади, банкдан кафолат хати олиб бориб, чорвани олгач, фактурани банкка топширади. У фақат кредит сўғуртасини тўлайди. 6 ой имтиёзли даврдан сўнг кредитни сўндира бошлади. Лекин кўряпмизки, бундай кредит ажратиш ва уни қайтариш масаласида бир қатор чалкашликлар бор. Бу ерда кўйиб қолиши мумкин бўлган томонлардан бири, асосан, таъминотчи. Улар чорва учун пулларни ўз вақтида ололмайдик ҳалак бўлишмоқда. Бундай воқеалар бугунги кунда ҳар бир вилоятда рўй бермоқда.

Афсуски, бу вазиятда барча ҳудудларда банклар томонидан битта эътироз берилмоқда. Кредит олган фуқаролар ўз вақтида пулни қайтармаслигидир. Кўпчилиги аллақачон молни бозорга олиб чиқиб сотиб юбориб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб ҳам юборишган.

Таъминотчидан қорамолни қабул қилиб олгач, фактураларни банкка тақдим этмайдиган фуқаролар ҳам бор. Бундай ҳолатлар ресурсларнинг банкка қайтишини камайтирмоқда, янги кредит ажратишга тўсқинлик қилмоқда, банкларга таъминотчиларга пул маблағларини ўтказиб беришда қийинчиликлар яратмоқда.

Бу ўринда банк масъуллари кредитларни йиғиш учун қимматли вақт ва асабларини сарфлаб, уйма-уй дарвоза тақиллатиб юришга мажбур бўлишаётгани ҳам рост. Аҳоли, асосан, таъминотчиларни молни тиррик вази билан сотаётгани ва бу ҳолатда жуда қиммат нарх белгилаётганликда айбланишмоқда. Лўнда қилиб айтганда, таъминотчилар қорамолларнинг бозор нархига нисбатан қарийб икки баробаргача нарх белгилаб олишган. Бу эса кредитга мол олиб боқишнинг аниқ самарасиз эканини кўрсатиб қўймоқда. Таъминотчилар эса банкдан пулни ундириш осон эмаслиги учун молларга реал нарх белгиланмаган деган вақти кўрсатишмоқда. Айрим банклар эса аҳоли вакилларига «фақат мана шу таъминотчидан чорва оласан», деган шартларни қўйишаётгани ҳам бор гап.

Демак, юқоридаги мавжуд муаммолар ҳал этилмас экан, чорвани кўпайтириш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки бу тартибда чорва кўпаймайди. Фақат қоғозда ва ҳисоб-китобларда қайсидир рақамлар айланаверади. Авваломбор, чорвани боқиш учун яйловлар масаласига, сўнгра уларга ажратилаётган кредит тартибларини қайтадан ислоҳ қилишдан бошлаш керак. Шундагина қандайдир натижаларга эришиш мумкин. Асосийси, гўшт ва гўшт маҳсулотлари нархини мўътадил ушлаб қолиш учун қўйилган сезиларли қадам ташланган бўлади.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«РАИС БЎЛИШ УЧУН ЁШНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ»

Маҳалламиз ҳудудида 3 та қишлоқ бўлиб, тумандаги энг чекка йиғин ҳисобланади. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланишади. Бизда, асосан, полиз экинларидан картошка, помидор ва сабзи етиштирилади.

Айни пайтда аҳоли етиштирган маҳсулотларини бозорга сотиш орқали бир ойда камида 3-4 млн. сўм даромад қилишляпти. Бундан ташқари, «Темир дафтара»га киритилганларга субсидия асосида 20 та иссиқхона қуриб берилди. Ушбу иссиқхоналардан қишда яхшигина даромад олиш мумкин.

Муаммолар бор.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига яраша муаммолари мавжуд. Бизда деҳқончилик учун Нарпай каналининг сувидан фойдаланилади. Аммо ичимлик суви йўқ. Аҳоли сувни сотиб олиб ичади. Ҳар кунни маши-

нада сув келтирилади. Маҳалламиз келаси йилги дастурга киритилишидан умидвормиз. Чунки дастурга киритилган маҳаллалар обод бўлиб бормоқда. Шу баҳона бизга ҳам ичимлик суви келиб қолса, ажаб эмас. ҚВПнинг йўқлиги эса аҳоли учун қийинчилик туғдирмоқда.

Яна бир гап. Тумандаги энг раис ҳисобланаман. Халқ номзодимни танлаганида бошида бироз чўчигандим. Аммо ишлаш учун ва халқнинг дардини эшитиш учун ёшнинг аҳамияти йўқ экан. Айни дамда янги транс-

форматор ўрнатиб, эски 15 та симёғочни алмаштирдик. Мактаб капитал таъмирланмоқда. Янги маҳалла идораси қуришни бошладик. Тадбиркорлар ҳомийлик қилляпти. Аҳоли ҳам қараб тургани йўқ.

Таклиф. Маҳалла раиси учун хизмат машинаси қилиб берилса, ишида унум бўларди. Айниқса, бизга ўхшаган ҳудудлар учун машина жуда керак.

Хусан ҲАМРОЕВ,
Нарпай туманидаги
«Олти ўғил»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

Ёшлигимизда чет эл фильмларидаги суд жараёни билан боғлиқ қизиқарли, адолатнинг рўёбга чиқарилиши сахналарини томоша қилганмиз. Суд қанақа бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур ана шу кинолар таъсирида пайдо бўлган.

СУДЪЯЛАРНИ

ТАЙИНЛАШДА ОЧИҚЛИК ТАЪМИНЛАНЯПТИМИ?

Лекин ҳаётда бунинг исботини кўрмаганмиз. Ҳозир ҳам ҳаёлимиздаги тасаввур ҳақиқатга айлангани йўқ. Бу билан судларимизнинг барча ишлари нотўғри бўлиб келяпти, демоқчимасмиз. Гап суд ҳокимияти мустақиллиги амалда таъминланмагани, соҳада коррупция яхшигина илдиз отгани ҳақида кетмоқда. Суд қарорлари кўп ҳолларда тергов органлари босими остида чиқарилиши, пора эвазига оқни қора қилиб кўрсатиш ҳоллари учраши сир эмас.

Кейинги пайтда ҳақиқатпарвар депутат Расул Кушербаевнинг суд тизимига ишончсизлик билдириб айтган фикрлари бир неча бор янгради. Соҳада жиддий ислохотлар амалга оширилади, деган ваъдаларга ҳам тўрт-беш йил бўлди. Нега тизимдаги ўзгаришлар эътирофи ўрнига судьяларга нисбатан эътирозлар билдирилмоқда?

Биламизки, судья ҳолислик ва ҳақиқат тарафида бўлса, одил судлов амалга ошади. Албатта, бу ҳалоллик, қатъият, катта билим, кенг дунёқарашни талаб этади. Хўш,

бугунги кунда судьяликка тайинланадиган кадрлар қандай танлаб олинмоқда?

Номзодлар танлаш жараёни онлайн ёритилади

— Ҳозирги кунда судьялик лавозимларига кадрларни тайинлаш ва судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлашда ахборот технологиялари изчил жорий этилмоқда, — дейди **Судьялар олий кенгаши котиби Хуршид Содиқов**. — Хусусан, илк бор судьялик лавозимларига номзодлар танлаш жараёнларини онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга қўйилди. Маълумки, кенгаш билан савол-жавоб қилинади, уларнинг билимлари текширилади. Илгари бу жараён ёпиқ эшиклар остида кечган. Ҳозирда эса онлайн тарзда ота-онаси, муқобил номзодлар, ҳамкасблар — ҳамма номзоднинг саволларга қандай жавоб берганини кўриб туриши мумкин. Саволлар рўйхати олдиндан эълон қилинган бўлади.

Бу жараёнда номзодга бериладиган саволларни танлаш маҳсус дастур ёрдамида амалга оширилади. Кенгаш бўлиб ўтган кун ким қайси лавозимга тайинлангани ҳақида ахборот эълон қилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, судьялар фаолиятини баҳолаш учун электрон рейтинг тизими жорий этилмоқда. Ҳозир дастурчилар унинг устида ишлаяпти. Келгуси йил 1 январдан тўлиқ ишга туширилади. Бу дегани ҳар бир судьянинг фаолияти рейтинг тизимида баҳоланади. Ҳар хил мезонлар белгиланган. Бу нима беради? Ҳар чоракда фаолият баҳолангандан кейин судьяни эгаллаган балига қараб юқори лавозимга тайинлаш, рағбатлантириш ёки умуман лавозимдан озод қилиш масаласи кўриб чиқилади. Рейтинг ҳақидаги маълумотлар веб-сайтимида жойлаштирилади.

Коррупцияга мойиллиги психологик текширилади

Аҳамиятли жиҳати, судьянинг психологик портретини яратиш учун дастур ишлаб



чиқилди. Яъни ҳар бир судья психологик тестдан ўтади ва психолог томонидан унинг психологик портрети ўрганилади. Бу тест топшириш ва суҳбат орқали амалга оширилади. Унинг психологик жиҳатдан қанчалик тайёрлиги, қатъийлиги, босиқлиги, профессионаллиги текширилади. Жиззакчилиги, алкоголизмга, коррупцияга мойиллиги — ҳамма-ҳаммаси баҳоланади ва психологнинг ижобий тавсияси кенгаш мажлисида уни қайта лавозимга тайинлашда инobatга олинади.

Яна бир яхши янгилик бўлди. Кенгаш ҳузурида судьялар клуби ташкил этилди. Унга судьялардан ташқари суд фахрийлари ва ҳуқуқшунослар ҳам аъзо бўлишган. Мазкур клубда суъялар ўзларини қизиқтирган иш

бўйича суд амалиётида юзага келган моддий-процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича маслаҳатлар сўраши мумкин. Ёки одоб-ахлоқ қоидалари қандай жараёнда қўлланилиши бўйича тушунтиришлар олади. Бу орқали суд тизимида қандай муаммолар мавжудлиги, уларнинг ечими хусусида соҳа фахрийлари, ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари, тавсияларини олиш имконияти яратилди.

Судга бўлган ишонччи мустаҳкамлаш йўлида

— Суд ҳокимияти мустақиллиги судга бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига ҳам боғлиқ, — дейди **Судьялар олий кенгаши шўъба раҳбари Нодира Бобохонова**. — Бу борадаги асосий вазифа — юқори билимга, ҳаётий тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар орасидан судьяларни танлаб олиш, юқори профессионал судьялик корпусини шакллантиришдир. Айнан шу вазифаларни бажариш учун судьяларни танлов асосида тайинлаш, улар орасидан энг билимлилари, тажрибалиларини танлаб олиб, лавозимларга тайинлаш йўлга қўйилмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар Судьялар олий кенгашида 379 нафар номзод муҳокама қилиниб, улардан 269 нафари судьялик лавозимига муносиб деб топил-

ди. Улардан 26 нафари бу лавозимда илк бор беш йиллик муддатга, 84 нафари ўн йиллик муддатга, 8 нафари муддатсиз даврга тайинланган. 151 нафари қайта лавозимларга тайинланган. Ҳозирга қадар республика судларида жами 79 та судьялик лавозимлари вакант бўлиб турибди. Айтиш жоизки, вакант жойлар ўтган йилга нисбатан 3 баравар камайган. Бу нарса ҳар бир судьянинг иш юктамалари камайиши ва фаолият сифати яхшиланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, судьяларни лавозимга тайинлаш механизмларини такомиллаштиришда ҳалқаро амалиётларга, ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига таяниляпти.

Хулоса ўрнида

Албатта, суд тизимидаги мазкур янгиликларни ижобий баҳолаш мумкин. Аммо суд қарорларининг ташқи босимлар таъсирисиз чиқарилишига эришмай туриб, унинг мустақил ҳокимиятга айланиши мушкул. Бунинг учун давлат ҳуқуқ-тартибот идораларининг судга таъсир қилиш даражасидаги ваколатларини чеклаш лозим. Айни пайтда суд раиси ёки бошқа суд амалдорларининг судьянинг фаолиятига ноқонуний аралашishi ҳам одил судловлар олдидаги тўсиқдир. Бу борадаги тартибларни ҳам қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, судьяларни жазолаш ваколати суд тизими амалдорларидан Судьялар олий кенгашига ўтказилса, соҳада профессионал ва ҳалол кадрлар кўпайишига хизмат қилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ИЧИМЛИК СУВ МАСАЛАСИДА ЁРДАМ КЕРАК»

Маҳалламизда 21 та миллат вакиллари истиқомат қилади. Барчаси бир оила аъзоларидек аҳил. Бизда маҳалла фаолияти шаффофлиги таъминланган, кучли жамоатчилик назорати мавжуд.

Ишимизга энг тўғри ва холис баҳони аҳоли беради. Агар четдан кимдир келиб улар билан суҳбатлашса, бизга нисбатан салбий фикрлар билдирилмаслиги ишончимиз комил.

Аҳамиятлиси, маҳалладошларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва уни талаб қилишни яхши билишади. Бу маҳаллага кўп жиҳатдан қўл келади. Баъзи масалаларни ҳал қилишда

четдан бировнинг ёрдам беришига ҳожат қолмайди.

Аммо бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор. Жумладан, ичимлик сув масаласида қийналамиз. Ҳар кун бир соат давомида сув берилади. Ўша пайтда ҳам-маям уйида бўлавермайди. Улгурмаган киши сувсиз қолиши мумкин. Албатта, бизнинг ҳудудимиз шароитида ичимлик сув

сероб бўлмаслиги ва муаммо ҳал этиш маҳаллий ҳокимиятнинг қўлида эмаслиги аниқ. Лекин кунига икки маҳал одамларга қулай вақтда сув берилиши йўлга қўйилса, бу борадаги ноқулайлик бироз бартараф этиларди.

Чори САТТОРОВ, Муборак туманидаги «Тонг» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ХУСУСИЙ МАКТАБЛАР ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИМИ?

Мамлакатимизда давлат таълим муассасалари билан бир қаторда таълим хизматларини нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ҳам кўрсатиш кенгайиб бормоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўловшартнома асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Президентимизнинг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон фармони билан тасдиқланган Таълим тизимини ривожлантириш концепциясида 2030 йилга қадар нодавлат умумтаълим муассасалар сонини 500 тага етказиш режалаштирилган.

Бирок жамоатчилик орасида таълимга бўлган муносабат бошқа соҳаларга бўлган муносабатга нисбатан жуда ҳам орқада экани таъкидланмоқда. Масалан, математикада мураккаб йўналишда халқаро олимпиада чемпиони бўлган болага, ҳаттоки дурустроқ ноутбук ҳам совға қилинмагани танқид остига олинган ва бу ҳолат иккиёклама стандартни келтириб чиқариши таъкидланган.

Нодавлат таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шунга қарамасдан, ҳозирги пайтда хусусий мактабларда ўқиш нархи жуда қиммат. Масалан, Тошкент шаҳрида тўлов суммаси ўртача ойига 1,5-2 млн. сўмни ташкил этади. Бир йилда ота-она 15-20 млн. сўм тўлашига тўғри келади. Бу олий таълим муассасаларига тўланадиган контракт суммасига тенг ҳам юқори суммадир.

Сўнги йилларда нодавлат таълим ташкилотлари кўпроқ «хусусий» деб аталадиган бўлиб қолди. Бунинг негизида таълим хизматлари тадбиркорлик фаолияти шаклида кўрсатилиши мумкин деган фикр, тасаввур ётибди. Бу қанчалик тўғри? Саволга жавоб сифатида таълимнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу фаолиятга доир қуйидаги жиҳатларни қайд этиш лозим.

Биринчидан, Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, **бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши**, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги белгиланган.

Иккинчидан, таълим фаолиятига кўпгина солиқ имтиёзлари берилган. Хусусан, Солиқ кодексига мувофиқ, таълимга оид хизматларни кўрса-



тувчи юридик шахслар солиқларни тўлашда бир қанча имтиёзлар белгиланган ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланади (59-модда). Ижтимоий соҳада фаолият олиб борувчи юридик шахсларнинг 0 фоиз ставкада фойда солиғи тўлаши белгиланган (337-модда). Яъни таълим хизматида иктисослашган юридик шахслар умуман фойда солиғи тўламайди.

Таълим хизматлари, жумладан, бошланғич, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим соҳасидаги таълим хизматларини реализация қилиш бўйича айланма қўшилган қиймат солиғидан озод этилади (243-модда). Таълим объектлари қиймати мол-мулк солиғи бўйича солиқ базасига киритилмайди (414-модда).

Шу ўринда қайд этиш лозимки, фикримизча, Солиқ кодексининг 378-моддасининг олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўловга йўналтириладиган даромадларга солиқ солинимаслигини белгилувчи нормасини нодавлат ўрта таълим муассасаларида таълим олишга йўналтириладиган даромадларга ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, таълим ягона давлат стандартлари доирасида олиб борилади. Амалиётда бу қоидадан айрим четга чиқишлар мавжуд. Масалан, (1) иқтидорли болалар айрим фанларга (математика, кимё, чет тиллари ва ҳ.к.) чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитиладиган махсус мактаблар; (2) айрим

мактабларда қўшимча фанлар бўйича ўқитиш; мактабларда ўқув моддий-техник базаси у ёки бу сабабларга кўра турлича бўлиши ва ҳ.к. Бундай четга чиқишларга умумий қоида инкор этувчи омил сифатида қарамаслик керак. Зеро, олий ўқув юртларида киришда абитуриентлар ваколатли давлат идораси тасдиқлаган, барча умумтаълим мактаблари битирувчилари учун бир хил бўлган ягона стандартлар асосида синалади ва махсус дастурлар бўйича ўқитилган болаларга мутлақ устунликни бермайди.

Тўртинчидан, таълим фаолияти «тадбиркорлик» тушунчаси таърифига тўғри келмайди. Зеро, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, «тадбиркорлик – даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир», яъни фойда олиш – тадбиркорликнинг мақсади. Таълим фаолиятининг мақсади – билим бериш, тарбиялаш ва, умумий ўрта таълимни оладиган бўлсак, ёш авлодни шахс сифатида шакллантириш. Бунда, албатта, таълим берувчилар даромад олади. Лекин бу даромад – меҳнат ҳақидир. Фойда, дивиденд эмас. Бу шуни англатадики, масалан, қайсидир тадбиркор – фермер, савдогар, қурувчи ва ҳ.к., таълим ташкилотини яратиши мумкин ва бундан даромад олиши ҳам мумкин, лекин бу даромад унинг фойдаси, дивиденди эмас, балки жисмоний

шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ солинадиган, унинг шу таълим ташкилотига директор, бошқарув аъзоси, ўқитувчи ва ҳ.к. лавозимларда ишлагани учун меҳнат ҳақи бўлиши мумкин.

Қонунчилигимизда нодавлат нотижорат ташкилотларига (ННТ) ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкинлиги белгиланган. Улар, ҳатто фойда ҳам олишлари мумкин, лекин бу фойда муассислар ўртасида дивиденд сифатида тақсимланиши мумкин эмас, балки фаолиятнинг асосий мақсадида, яъни бу фаолият таълим фаолиятини ривожлантиришга, ходимларининг даромадларини қўшимча иш ҳақи (мукофот) билан рағбатлантиришга йўналтирилиши лозим.

Бешинчидан, тадбиркорликнинг асосий унсурларидан бири «рақобат» тушунчасини таълим фаолиятига нисбатан тўлиқ маънода қўллаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда рақобат ижтимоий соҳага эмас, асосан, иқтисодий соҳага оид тушунчадир. Қайсидир мактабда билим беришнинг илғор услуби қўлланилаётган бўлса, бу услуб ушбу мактабнинг «тижорат сири», рақобат устунлиги бўлиши мумкин эмас, аксинча бундай тажриба барча мактабларда қўлланилиши учун тарғиб қилиниши даркор.

Олтинчидан, агар таълим фаолияти тадбиркорлик тушунчасига тўғри келганда, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда мактаблар аллақачон хусусий бизнес-тузилмаларга айланган бўлар эди. Аслида эса ривожланган давлатларда воқелик шундайки, умумий ўрта таълим тузилмаларининг иккита тури устунлик қилади — «public schools» (давлат мактаблари)

— давлат бюджетидан молиялаштириладиган мактаблар ва «non profit» — даромад олишни кўзламайдиган нодавлат ташкилотлари шаклидаги мактаблар. Ушбу давлатларда фойда олишни кўзлаб тузилган мактаблар ҳам фаолият юритади, аммо солиқ ва бошқа имтиёзлар «non profit» ташкилотларига татбиқ этилади. Масалан, АҚШ Солиқ кодекси 501(с) (3) параграфига кўра, таълим бериш мақсадида тузилган компаниялар фойда солиғи тўлашдан озод қилинади. АҚШ Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service) тушунтиришига кўра, бундай имтиёздан фойдаланиш учун ташкилотлар фойда олиш ёки хусусий манфаатларни кўзлаб тузилмаган, яъни фақатгина «non profit» таълим ташкилотлари бўлиши зарур.

Демак, ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим хизматлари, қисман, айрим ҳолларда, ҳатто тўлиқ тўлов асосида амалга оширилиши мумкин. **Аммо пуллик дегани ҳар доим ҳам бизнес фаолиятни англатмайди.** Пуллик ижтимоий хизматлар, шу жумладан, таълим хизматлари тадбиркорлик субъектларининг эмас, балки **нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматлари сифатида кўрсатилиши мумкин.**

Яқуний хулосамиз шундан иборатки, таълим тизимини Янги Ўзбекистон яратиш йўлидаги ислохотлар жараёнига мос тараққий эттириш учун таълимни бизнес деб биладиган хусусий секторни кенгайтириш эмас, балки нодавлат таълим ташкилотларини нодавлат **нотижорат муассасалари шаклида ривожлантириш даркор ва қонунларимизга тегишли түзатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.**

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ «ДОРИ»

Одатда 40 ёшдан ўтганда одам касалликка тез чалинувчан, ҳорғин бўлиб қолади. Буни мутахассислар гармонал қариш билан изоҳлашади.

Чиндан ҳам шу ёшга келиб организм гормонлар ишлаб чиқаришни деярли тўхтатади.

Шу боис фаоллик ва тетикликни сақлаб қолиш учун организмни ташқаридан тўлдириш зарурати туғилади. Кўплар бу ҳолатда биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) дан фойдаланади. Чунки қисман бўлса-да, БФҚларда моддалар етишмовчилигини тўлдирувчи микроэлементлар, витаминлар, комплекс табиий бирикмалар сақланади.

Аммо айна шу жиҳатдан айрим тадбиркорлар шахсий манфаати йўлида фойдаланмоқда. Яъни, биологик фаол қўшимчаларни бўрттириб реклама қилишга зўр бермоқда. Очиқ-ойдин деярли барча касалликларнинг юқори самарали ечими сифатида таклиф қилмоқда.

Бу каби ёлғон рекламалар ҳақида газетамизнинг аввалги сонларида ҳам туркум мақолалар эълон қилдик. Бу,

албатта, ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Мисол учун, «Алҳадая» маҳсулоти бўйича танқидий чиқишимиздан кейин компания масъуллари йўл қўйилган хатони тўғрилашди.

Лекин афсуски, бугун яна ўнлаб БФҚлар одамларни алдаш орқали сотилмоқда. Ана шундай маҳсулотлардан бири Tabobat_uz мессенжеридан коронавирუსга қарши дори, номи билан тинмай реклама қилинапти.

Хўш, бу маҳсулот амалдаги қонун талабларига кўра истеъмолчига тарғиб этиляптими? Ростан ҳам у коронавирუსга шифо бўла оладими?

Бу сўровимиз асосида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги ўз ваколат-



лари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширди.

Агентлик томонидан интернет ва ижтимоий тармоқларда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилиб, Tabobat_uz «Telegram» мессенжери ва «Фейсбук» тармоғидаги Тиб ва илм профилидаги маҳсулот рекламаси **қонунчиликка зид**

экани аниқланди.

Маҳсулот тарқатувчилари томонидан тавсия этилаётган БФҚ реклама матни унча-мунча одамни шошириб қўяди. Гўёки бу маҳсулот айна дамда кўпчиликни ташвишга солаётган коронавирუსга қарши ишончли ва самарали, табиий восита экани таъкидланади. Мисрлик профессор Аҳмад Абдуссалом Ситтийн ушбу қоришмани «Covid»га қарши яхши самара беришини ва таъсири кучли бўлишини кашф қилгани алоҳида келтирилади. Эътибор беринг, бу маҳсулот ўзига хос кашфиёт, дейилмоқда.

Агентлик маълумотига кўра, бу билан ушбу биологик фаол қўшимча истеъмолчининг тасаввурини дори воситаси эканлиги ва у даволаш хусусиятига эга экани сингдирилмоқда. Ваҳоланки, бундай касалликларга фақатгина шифокор кўриги ва тегишли таҳлиллар ёрдамида дори воситалари билан қарши курашиш мумкин. Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1024, 06.04.2001 й.) 19-бандида биологик фаол қўшимчалари рекламасига қўйилган талаблар келтирилган. Бунда биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) рекламасида унинг даволаш учун комплекс муолажани талаб қиладиган касалликларни тузатиши ёки унинг олдини олиши қайд этилмаслиги, реклама қилинаётган ушбу маҳсулотлар истеъмолчининг тасаввурини дори воситаси ва у даволаш хусу-

сиятига эга эканлиги сингдирилмаслиги керак.

Юқоридагиларни инобатга олиб, агентлик биологик фаол қўшимчалар рекламасини қонун ҳужжатлари талабларига мослаштириш чораларини кўришни, маҳсулотни рекламасида қайд этилган хусусиятларга мос эканлиги тўғрисида тегишли тушунтириш беришни ҳамда натижалари бўйича Агентликка бир ҳафта муддатда маълумот тақдим этишни сўраган.

Энг қизиғи, Санитария-эпидемиология хизмати тизимида рухсатнома бериш бўлими мутахассиси Абдубосит Абдурахмоновнинг маълум қилишича, бу маҳсулот мамлакатимизда биологик фаол қўшимча сифатида ҳам рўйхатдан ўтмаган.

Биз ҳам воқеалар ривожини кузатиб борамиз ҳамда келгусида бу каби маҳсулотлар рекламасида одамларнинг оғир аҳволдан фойдаланмасликка чақирамиз. Зеро, сифатсиз ва синалмаган БФҚлар инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин.

Сифатсиз маҳсулот истеъмолчининг хавф ва салбий таъсирларини четлаб ўтиш учун БФҚлар ва бошқа тиббий препаратларни харид қилишда сотувчидан мувофиқлик сертификатини кўрсатишни талаб қилиш, тиббий препаратлар, қўшимчалар ва витаминларни интернет ва бошқа номаълум манбалар орқали буюртма қилмаслик, қўлланма билан яхшилаб танишиб аввал даволовчи шифокор ёки малакали врач билан маслаҳатлашиш энг тўғри йўлдир.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ТУРЛИ ШИКОЯТЛАР ИШЛАШГА ИМҚОН БЕРМАЙДИ»

11 йил масъул котиб, 2 йил маҳалла раиси бўлиб иш юритган тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бугунгидек маҳаллага бунчалик катта эътибор қаратилмаган. Илгари ҳоким, сектор раҳбари ёки депутат билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, муаммоларни айтолмасдик. Бугун ҳар бир муаммони сектор раҳбари, маҳаллий депутатлар ва ҳоким иштирокида ҳал этилди.

Бунда «маҳаллабай» ишлаш тизими ўз самарасини бераётди. Муаммолар «хонадонбай» ўрганилиб, ўз ечимини топтомоқда. Кўчаларимиз шағаллаштирилиб, шебен ётқизилди. 1 та транспорт ўрнатилиб, 20 та темир-бетон устунлар келтирилиш арафасида. Кўплаб ишсиз аёлларимиз 5 млн. сўмдан имтиёзли кредит олиб, касаначилик билан шуғулланишяпти. Айримлари ишлаб чиқариш тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишмоқда.

Маҳалламиз аҳолиси азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Ҳозир ҳам томорқаларда асосан картошка етиштирилади. Эрта баҳорда 10 сотихдан ер олган



ёшлар ҳам картошка экиб, яхшигина даромад олишди. Иккинчи экинга чорва моллари учун озуқабоп экинлар экишди. Ғалладан бўшаган майдонларда картошка ва макка етиштирилмоқда. Иссиқхона ташкил этиб, турли экин-тикин қилаётганлар ҳам кўпаймоқда. Уларнинг аксарияти помидор, бодринг, булғар қалампери ва кўчатчиликка ихтисослашган.

Ҳомийларимиз кўмагида эски идорамиз таъмирланиб, замонавий ҳолатга келти-

рилди. Худудимиздаги мактаб ҳам қайта таъмирдан чиқарилиб, ўқувчиларга зарур шароитлар яратилди.

Янгиликлар, ўзгаришлар яхши, лекин айрим боқимандалик кайфиятидаги одамлар устимизда турли хил ташкилотларга шикоят қилиб, иш фаолиятимизга таъсир кўрсатяпти.

Бухалча РУСТАМОВА, Қўрғонтепа тумани «Қўтқар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БИР ГУРУҲ МАҲАЛЛАЛАР ПОЙТАХТДАН ВИЛОЯТГА ЎТКАЗИЛАДИ

Маъмурий-ҳудудий бўлинишдаги ўзгаришлар ҳеч қачон осонликча кечмайди. Картаграфия, номлар, ҳужжатлар, архивлар, давлат идораларининг бўйсунув шакллари ва ҳоказолардан ташқари, бир маъмурий ҳудуддан бошқасига ўтказилаётган аҳолига вазиятни тушунтириш ҳам катта муаммо бўлиб келган. Масалан, икки йил илгари Тошкент шаҳрининг бир қатор маҳаллалари Қибрай тумани тасарруфига ўтказилиши тўғрисидаги гаплар одамларнинг кескин норозилигига сабаб бўлган, ҳатто бир думалаб вилоятликка айланиб қолаётган пойтахтликлар намоиш ҳам қилиб чиқишганди.

Тўғри-да, пойтахтда турли идораларнинг ишлаши, таълим тизими, тиббиёт, газ, электр, ичимлик суви таъминоти, канализация, қўйинг-ки, барча соҳалар вилоятларникига қараганда бир неча марта тартиблироқ ва аниқроқ ишлаши ҳеч ким учун сир эмас. Маълум бўлишича, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Тошкент шаҳрига бир қанча маҳаллаларни қўшиш ва айрим ҳудудларни пойтахт тасарруфидан Тошкент вилоятига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган. Қарор Сенатга тасдиқлаш учун юборилган.

Қайси ҳудудлар Тошкентга қўшилади?

Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилган қарор «Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартириш тўғрисида» деб аталган.



— Унга кўра, Тошкент вилоятидан жами 7 853,3 гектар ер майдони (шундан 3 250,1 гектари қишлоқ хўжалик ерлари) Тошкент шаҳрига, Тошкент шаҳридан 171,3 гектар ер майдони Тошкент вилояти ҳудудига ўтказилиши белгиланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Расул Кушербаев**. — Жумладан Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан 1 827,1 гектар — «Чорбоғ», «Беларик», «Файзли», «Жалойир», «Номданак», «Қумарик», «Хонободтепа», «Тараққиёт», «Қорасув», «Хонобод», «Қушбеги», «Соҳибкор», «Истиқлол», «Нурафшон» маҳаллалари Тошкент шаҳрининг Сергели тумани таркибига қўшилиши мумкин. Юқори Чирчиқ туманидан 490,0 гектар майдонни эгаллаган «Гулбоғ», «Йик ота», Ўрта Чирчиқдаги 1 134,2 гектар майдонни эгаллаган «Бектемир», «Нурафшон», «Намуна», «Янги ҳаёт», «А.Навоий» маҳаллалари пойтахтнинг Бектемир тумани таркибига ўтади.

Қибрай туманидан 2 294,6 гектар ер майдони, жумладан, «Геофизика», «Алишеробод», «Чингелди», «Дўстлик», «Тараққиёт», «Баркамол», «Боғишамол», «Ватанпарвар», «Амир Темур», «Мевазор», «Гулбоғ», «Гулзор-1», «Пастки юз» маҳаллалари пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани таркибидан ўрин олади. Туманнинг «Жарбоши», «Ташишти», «Ибрарат», «Миришкор», «Арғин», «Баҳор», «Чинор», «Товкентепа» маҳаллалари

Яшнобод тумани таркибига ўтади.

Кимлар энди пойтахтлик бўлмай қолиши мумкин?

Албатта, юқоридаги ҳудудлар аҳолиси ўзгаришлардан мамнун бўлиши тайин. Пойтахт таркибига кириш анча-мунча имкониятларни вужудга келтиришини яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Жумладан, жамоат транспорт катновининг яхшиланиши, юқори ташкилотларнинг диққат марказида бўлиш кимга ҳам ёқмайди. Аммо қабул қилиниши кутилаётган қарорда Тошкент шаҳридан вилоят таркибига ўтказилиши кутилаётган ҳудудлар ҳам борлиги қайд этилган.

Масалан, Сергели туманидан 33,8 гектар ер Зангиота

туманига олиб берилиши мумкин. Бундан ташқари, Бектемир туманидан 137,5 гектар ер майдони Юқори Чирчиқ тумани таркибига ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги пайтда бизга маълум бўлишича, пойтахт таркибидан чиқарилаётган ҳудудлар аҳоли истиқомат қиладиган жойлар эмаслиги айтилмоқда. Тушунишимизча, бу ишламай турган корхона-ташкilotларнинг ерлари. Аммо бу ҳали аниқ расмий маълумот эмас. Бошқа тегишли органлар мазкур масалада маълумот бергани йўқ.

Аҳоли захмат чекмаса бўлди

Маъмурий-ҳудудий бўлинишлар чоғида ҳужжатлаштириш, номларнинг ўзгариши ва бошқалар бўйича кўплаб машмашалар чиқиб туришини биламиз. Айниқса, бу жараёнда одамлар кўп захмат чекадилар. Ўйлаймизки, содир бўлиши мумкин бўлган юқоридаги каби ўзгаришлар одамларга ноқулайликлар яратмайди.

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ХУДОЁРХОННИНГ МАҲАЛЛАСИ БУГУН ҚАЙ АҲВОЛДА?

Маҳалламиз водийнинг жуда қадимий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерга XV асрда ўзбекларнинг манғит уруғи келиб ўрнашган. Қатор Қўқон хонлари ҳам шу уруғдан чиққан. Ҳудуд азалдан зиёлилар яшайдиган масканлардан.

Катталарнинг айтишича, биздаги эскича услубдаги мактаблардан бирида Абдулла Қодирий, Усмон Носир ҳам бир муддат таҳсил олган экан. Фахрландиган одамларимиз кўп.

Дунёвий ва диний билимларни пухта эгаллаган аҳолининг кўплиги, зиёлиларимизнинг уюшқоқлиги туфайли мавжуд муаммоларни ўз ўрнида ва тезкор ҳал этиб бормоқдамиз. Номли дафтарларга кири-

тилганларга алоҳида эътибор қаратилмапти. Жорий йил «Аёллар дафтари»даги икки фуқаромизнинг уйлари қайта қуриб берилди. Уларнинг бири икки нафар руҳий хаста оила аъзосига қарайдиган, иккинчиси боқувчиси йўқ ёлғиз аёл. Янги, замонавий лойиҳалар асосида битирилган уйлар ҳавас қилгудек. Тўғриси, анча-мунча бойнинг уйдан кам

эмас. Шахсан ўзимнинг хонадонимда ҳам бунчалик шароитлар яратилмаган.

Беш минг нафадан ортик аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламиз ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. Дастур асосида йўллар асфальтланмоқда. Симёғочлар алмаштирилипти. Электр энергияси, газдан умуман муаммо йўқ.

Аммо «ҳар тўқисда бир кемтик» деганларидек, мактабимизга

спорт зали қурилиши керак. Фарзандларимиз спортга жуда қизиқишади. Туман маркази, бошқа мактабларда ташкил қилинган тўғарақларга тинмай қатнашади. Ўзимизнинг стадион шугулланаётган йигитчалар билан тўла. Лекин қиш ойларида улар қийналиб қолишмапти. Мактаб учун спорт зали қуриш тўғрисида керакли ташкилотларга муурожаат йўллаганмиз.

Ўйлайманки, бу масала ҳам тез орада ҳал этилади.

Таклифим: маҳаллаларга одамлар билан ишлайдиган малакали психологлар берилиши керак. Айниқса, оилавий ажралишларнинг олдини олишда бу яхшигина самара берган бўларди.

Гуллола ХУРИЛОВА,
Бувайда туманидаги
«Юқори манғит»
маҳалла фуқаролар
ийғини раиси.

Сўнги йилларда бюджет маблағлари қай тарзда сарфланаётгани борасида очиқ маълумотлар тақдим этила бошланди. Бу билан қайси вазирлик ва ташкилот бюджет пулларини нимага харажат қилаётгани ойдинлашди ҳам. Эндиликда эса янги тажриба йўлга қўйилмоқда. Хўш, у қандай бўлади?

Пуллар нималарга ишлатилган?

Таҳлил қиладиган бўлсак, бюджет маблағларининг тақсимоли тўғрисидаги барча қарорлар очиқ эълон қилина бошланди. Гарчи, ҳали ҳам бюджет тақсимолида маҳаллий Кенгашларнинг иштироки номигагина бўлиб қолаётган бўлса-да, халқимиз қайси ҳоким нимага қанча сарфлашга қарор қилганини яққол кўра бошлади. Масалан, қайсидир ҳоким орттирилган пулни кўпроқ ижтимоий муаммоларга йўналтираётган бўлса, бошқаси ҳокимиятнинг кам-кўстларини битириб олаётгани, дейлик, машина олиши, ҳокимлик биносини таъмирлаш, мебель олиш каби ишлар билан шуғулланаётганини кўриш мумкин.

Умуман, 2020 йилда маҳаллий бюджетларнинг режадан орттириб бажарилган даромади салкам 2,4 трлн. сўмни ташкил қилган. Ёки Наманган вилояти 2021 йил иккинчи чорагида 43 млрд. сўм, Фарғона вилояти 122,7 млрд. сўм, Сурхондарё вилояти эса 56 млрд. сўм прогноздан орттириб бажаришган. Жамоатчиликнинг, айниқса, мазкур ҳудудлар фаоллари ушбу маблағларнинг тақсимолидан тортиб, ишлатилишига назорат

ўрнатиши ҳаётини заруратдир. Йўқса, ҳокимлик биносини таъмирлаш, янги мажлислар зали қуриш, хизмат машинаси олиш каби харажатлар асосий ўринга чиқиб қолади.

Шунингдек, тақсимланган маблағларнинг қандай ишлатилаётгани давлат харидлари порталига тўлиқ жойлаштирилади бошланди. Бу нафақат коррупция ҳолатларини, балки манфаатлар тўқнашувини, шубҳали келишувларни жамоатчилик томонидан аниқлаш учун қулай имконият яратди. Бунинг натижасида миллиардлаб халқ пули жойига қайтарилаяпти, бюджет интизоми сал бўлса ҳам ошяпти.

«Ташаббусли бюджет» эксперименти нима?

Яна бир муҳим иш — «Ташаббусли бюджет» эксперименти бўлди. Бу бевосита фуқаролар ташаббуси асосида уларга ўзи истиқомат қиладиган ҳудудлардаги мавжуд қийин масалаларни ҳал этиш имкониятини тақдим этишни мўлжал қилган. Бунинг учун 157 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.

— Молия вазирлиги янгиланган «Очиқ бюджет» ахборот пор-

ЖОЙЛАРДАГИ ЭНГ ҚИЙИН МУАММОЛАР ОВОЗ БЕРИШ ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ



талини ишга тушириди, — дейди Молия вазирлиги Тимур Ишметов. — Бу орқали ҳудудлардаги муаммо ва камчиликлар бевосита ҳудуд аҳолисининг талаби билан бартараф этилади. Фуқаролар «Очиқ бюджет» порталига ўз маҳалла ёки туманидаги муаммони мумкин, энг кўп овоз тўплаган масалаларга маҳаллий бюджет маблағларининг муайян қисми ажратилади. Фуқароларга бу порталда нафақат бюджет маблағлари тўғрисида, балки солиқ, бюджет сиёсати, давлат ташкилотлари ва турли жамғармалар маблағларининг ишлатилиши ҳақида маълумотларни олиш, ўзларини қийнаб келадиган масалаларни ҳал қилиш учун бюджет жараёнида қатнашиш орқали тегишли маблағларни талаб қилиш имконияти яратилган.

Биринчи қадам сифатида маҳаллий бюджетлар даромадларининг ҳар чоракда

даромадлар режасидан ортиқ бажарилган қисмидан (қўшимча даромад) 10 фоизи фақатгина шу ҳудудда фуқаролар кўтарган масалаларга, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга ишлатиш тартиби ишлаб чиқилган. Бу йил иккинчи қадам қўйилди. Бюджет маблағларини ишлатишда фуқаролар фаоллигини ошириш мақсадида тўғридан-тўғри уларнинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган иккита ўзгариш бўлди. Биринчидан, маҳаллий бюджетларнинг 10 фоизи эмас, бундан буюрига 30 фоизи фуқаролар илгари сурган ташаббусларга ишлатиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга сарфланади. Шу билан бирга, айрим туманларда кўшимча даромад жудаям кам бўлади. Яъни бунга боғлиқ бўлиб қолмаслик учун маҳаллий бюджет харажатларининг 5 фоиз қисмини фақатгина аҳоли билдирган муаммоларни ҳал қилишга

ишлатиш керак.

Бу йўналишда ҳар бир вилоятда биттадан туман пилот сифатида танлаб олинган. Қўшимча даромад бўлиши ёки бўлмастидан қатъий назар, ажратилган 5 фоиз аҳоли кўтарган масалаларга йўналтирилади. Масалан, кимнингдир туманида бирор боғчани, йўл ёки кўприкни таъмирлаш зарур бўлиши мумкин. Бу одамлар учун жуда катта муаммо туғдирадиган, лекин давлат миқёсида тезда ҳал қилса бўладиган, нисбатан арзимаган пуллар билан ечим топадиган жараён ҳисобланади.

Аҳоли бу лойиҳадан хабардорми?

Асосий муаммо ва камчилик — порталнинг техник имконияти билан эмас, бу аҳоли фаоллигининг пастлиги билан боғлиқ. Бундай эксперимент ёки овоз бериш орқали қайсидир туманга боғлиқ муаммога бюджетдан пул ажратилиши ҳақида аҳолини хабардор, деб бўлмайди. Буни аҳолига тушунтириш лозим. Шундан кейингина овозлар тақсимолини ўтказиш ҳаққоний бўлиши мумкин.

Маълум қилинишича, ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий

муаммони ечиш учун таклиф бериш истагидаги шахслар «Очиқ бюджет» ахборот порталида рўйхатдан ўтади. Билдирилган таклифлар порталга жойлаштирилади. Кейин бир неча босқичда овоз бериш жараёни ўтказилади. Лойиҳалар тасдиқланса, молиялаштирилади. Таъкидланишича, порталга ҳар йили 10 февралга қадар ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан ҳисобот жойлаштириб борилади.

* * *

Ўзгаришнинг катта-кичиги бўлмайди, маҳалладаги абгор йўлини, боғчани, мактабни таъмирлаш, симёғоч, трансформаторни янгилаш, интернет учун сим тортиш — шу кеча-кундузда юртдошларимиз ушбу муаммолар билан ташаббусда қатнашапти. Фуқароларнинг энг устувор муаммоларини кабинетда ўтириб эмас, уларнинг ўзидан эшитишдан яхшиси бўлмас керак. Ўйлаймики, бу эксперимент жамият ҳаётини мустаҳкам ўрин олади. Йўқса, бюджет тақсимоли асосий муаммо бўлиб қолаверади.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«РАИСЛАРГА РАҒБАТ ЕТИШМАЯПТИ...»

Маҳалламиз тоғли ҳудуд ҳисобланиб, аҳоли тарқоқ тарзда жойлашган. Бундай тарзда яшовчи аҳоли, асосан, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланишади. Барча хонадон узумдан майиз қилиб даромад қилишни йўлга қўйиб олишган.

Бундан ташқари, аҳолининг ярми Зармитан конига қатнаб ишлашади. Бу йил курфоччилик бўлгани боис чорвага ҳам, боғларга ҳам таъсир қилди.

Чорва учун ем-ҳашак ҳам муаммога айланиб қолди. Айни пайтда баъзи боғлар сувсизликдан қақраб ётибди. Даромаднинг чўғи олдинги йилга

нисбатан камроқ бўлади, деб башорат қилиб турибмиз. Аммо шунда ҳам аҳоли тинмай меҳнат қиляпти. Чунки эрта баҳордан кеч кузгача меҳнат қилиб топган даромадини қиши билан сарфлаб чиқишади. Ҳозир ҳамма қиш ғамини емоқда. Хорижга иш излаб кетганлар йўқ, десак ҳам бўлади.

Муаммо бор. Энг катта муаммомиз, бу — ичимлик суви. Аҳоли сойга яқин жойлардан қудуқ қовлаб қўйишган. Уша ердан сув ташиб келиб ичишади. Артезиан қилиб беришса, яхши бўларди. Бу бўйича мурожаатлар қилганмиз. Қолаверса, йўллари-миз жуда таъмирталаб ҳолатга келиб қолган.

Симёғочларни ҳам алмаштириш керак. Қишлоқ болалари боғча йўқлиги боис мактабгача таълим нималигини билмай улғайишмоқда.

Таклиф. Маҳалла раисининг вазифалари кўп. Аммо унга тўланаётган иш ҳақи кам. Бу борада бошқа раислар ҳам айтишяпти. Маош кўтарилмаса

ҳам раисларни рағбатлантириш борасида қандайдир тизим қилиниши керак. Бу эса раисга янада шижоат ва ишга самарадорлик бериши мумкин.

Дониёр ПАРИМОВ
Қўшраб
туманидаги
«Тегирмоновул»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

АУКЦИОНСИЗ СОТИЛГАН МУЛКЛАР ДАВЛАТГА МИЛЛИАРДЛАБ ЗАРАР ЕТКАЗАДИ

Август ойи бошида мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири — «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, Ltd» МЧЖ устав капиталдаги 57,118 фоиз давлат улуши сотилгани тўғрисида хабарлар тарқалди. Давлат активларини бошқариш агентлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, муассаса «Coca-Cola Ёсесек А.Ў» компаниялар гуруҳига 252,28 миллион долларга эвазига топширилади. Қайд этилишича, битим давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси томонидан маъқулланган.

Кўпчиликка маълумки, мазкур савдо атрофидаги машмашалар анчадан буён давом этаётган эди. Масалан, йил бошида, январь-февраль ойларида мазкур аукционни очикча-сига фирромлик деб баҳолаган йирик тадбиркорлар ҳам бўлди.



Ўзбекистондаги бир қанча алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар ушбу аукционда қатнашиб, «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, Ltd»нинг давлат улушини сотиб олишни истаган. Аммо аукционда қатнашиш қонун-қоидалари уларнинг иштирокига тўсиқлик қилган.

Шулардан бири — «Hydrolife Bottlers» МЧЖ томонидан Монополияга қарши курашиш қўмитасига мурожаат ҳам қилинган.

«... эълон чиққандан кейин онлайн савдода иштирок этмоқчи бўлдик. Бироқ шартлар билан танишмоқчи бўлганимиздаёқ хаёлимга «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, Ltd»нинг давлат улуши сотилиб бўлинибди-ку, энди нима қилади эълон қилиб, деган фикр келди. Чунки шартлар билан танишишнинг ўзидаёқ шарт қўйилди. Шарт-

ларга рози бўлиб ичимликлар рози бўлиб ичимликлар билан танишсангиз, талабга жавоб берадиган тадбиркор ёки ташкилот Ўзбекистонда йўқлигига амин бўласиз», деб ёзади корхона вакиллари.

«Hydrolife Bottlers» йиллик савдо айланмаси 1,5 триллион сўм бўлган, барқарор даромадга эга заводни сотиб олишга 150 миллион АҚШ доллари ҳам тўлашга тайёрлигини билдирган.

Ўзбекистоннинг яна бир корхонаси — «PERFECT SHINE ENERGETIC» МЧЖ ҳам йилига 27 миллион доллар соф фойдага эга йирик заводнинг давлат улушини сотиб олишни истади. Аммо бу компания ҳам қатор «маҳсус» талаблар унинг иштирокига тўсиқ бўлаётганини баён этган. Умуман, аукцион атрофидаги машмашалар бу билан яқунланмади. Тадбир-

корлар давлат идораларини коррупция, тарафкашлик ва бошқа қатор жиддий масалаларда айбладилар ва ҳоказо.

Лекин жорий ойда савдоларнинг якуни бўйича «Coca-Cola» маҳаллий тадбиркорларимиз таклиф қилганидан кўра анча қимматроқ сотилгани кўпга тушунмовчиликларга барҳам берди, десак бўлади.

Бошқа аукционлар-чи...

Мазкур савдолар ортидан қатор иқтисодчи ва бошқа органлар аукционларнинг ўтказилиш тартиби, жараёнда содир бўлаётган воқеалар билан алоҳида қизиқа бошлашган. Кимосди савдосининг давлат ғазнасини бойитишдаги ўрни қизғин муҳокама-лар марказига айланди. Уларнинг хулосаларига кўра, очик аукционларни кўпайтириш, давлат мулки ҳисобланган бирор объектни ёпиқ савдоларда сотилишига йўл қўйилмаслиги керак. Бундан ташқари, иштирок этиш шартлари ҳам соддалаштирилиши ва осонлаштирилиши лозим.

Давлат катта фойда кўрмоқда

Қатор иқтисодчилар охириги кунларда аукцион савдоларида бошланғич нархидан бир

неча баробар қимматроққа сотилган давлат мулкларига эътибор қаратиб, ҳолатни ижобий баҳоляпти. Жумладан, «E-AUKSION» электрон савдо платформасида сотилган давлат объектлари бўйича ижобий хулосалар кўпга топилди.

— Бир неча кун аввал иккита «метан заправка» аукцион орқали қарийб икки баробар қимматроққа сотилганида эътибордан четда қолган эди, — дейди иқтисодчи **Отабек Бакиров**. — Кеча эса Термиз шаҳрида жойлашган бошланғич нархи 9,6 млрд. сўмлик «метан заправка» ва сервис маркази 23,2 млрд. сўмга ёки 2,4 баравар қимматроққа сотилган. 6 нафар иштирокчи қарийб бир соат давомида сотиб олиш учун ҳаракат қилган. Бойсун туманидаги бошланғич нархи 6,4 млрд. сўмлик «метан заправка» учун савдода уч нафар иштирокчи қатнашиб, муросасиз ўтган аукцион «ХОЖИ-БАРАКА» МЧЖнинг 14,5 млрд. сўмлик нарх таклифи билан яқунланди. Радар ўрнатиш жойи савдоси тўғрисида айтилганидан кейин кўпчилик «қиммат сотилди» деган фикр билдиришди. Лекин ошқора ўтказиладиган савдоларда шундай бўлади.

Мулк 10 млрд. сўмга арзийдими, 10 млрд. сўмга кетади. 30 млрд. сўмликми, 30 млрд. сўмга сотилади. Тадбиркор ҳисоб-китобини олиб, аукционда нарх кўтарилади. Очик аукционда қиммат ёки арзон нарх деган нарсани йўқ, фақат бозор нархи бор — бу барака нархи. Шунинг учун иқтисодчилар доим очик аукционни қўллаб-қувватлаймиз. Аммо аукционсииз сотилган юзлаб ер участкалари ва бошқа ҳуқуқлар сабаб давлат бюджети триллионларсиз қолмоқда. Ўрни келганда ҳар сафар буни эслатишда давом этишимиз керак.

«Отанг — бозор, онанг — бозор...»

Дарҳақиқат, халқимизда «отанг — бозор, онанг — бозор» деган нақл бор. Бу бозордан хафа бўлинмаслигини англатадиган, ҳар нарсанинг баҳосини бозор белгилашини тушунтирадиган энг қисқа ва аниқ айтилган ҳикмат. Яъники, ўзбек одатларига кўра, ота-онадан хафа бўлинмайди, уларнинг айтгани бажарилди. Давлат харидлари, давлат мулки савдоларида ҳам ана шу нақлга сўзсиз амал қилсак, ҳеч қачон ютқазмаймиз.

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ОРТИҚЧА ЖАДВАЛ, ҲИСОБОТЛАР ВА «АҚЛЛИЛАР»ЛАР ҲУСУСИДА...»

Кейинги йилларда топономика — маҳалла, қишлоқ, бошқа ҳудудлар номларини ўзгартириш бўйича олиб борилган ишларнинг баъзилари мени таажжублантирди. Бир умр иқтисодчи бўлиб ишладим. Аммо тарихсиз келажак йўқлигини яхши англайман. Бизнинг «Чирикай» маҳалласи номини ҳам вилоят ва Тошкентдан келган бир гуруҳ «мутахассис»лар ўзгартиришмоқчи бўлди.

Уларнинг айтишича, чирикай маҳаллий пашшанинг номи эмиш. Ўрнига Бунёдқорми, Янги ҳаётми, хуллас, умумий бирор ном қўйиш таклиф қилинди.

«Мутахассис»ларга бу ҳеч бир ҳашорат эмаслигини исботлагунча она сутим оғзимиздан келди. Қўқондаги музейда уч кун изланиб, маҳалламиз тарихда Чорқосон — эгар тагига ёзиладиган қалин, брезентга ўхшаш мато номи билан аталгани, кейинчалик талаффузда чирикай бўлиб кетганини исботлаб бердим.

Ота-боболаримиз ана шу касб орқали тирикчилик қилишган. Кейин «мутахассис»лар ҳудудимиздаги 200 йиллик «Ўпкали ота» қабристонини номини ўзгартиришга бел боғлашди. Шукрки, буни ҳам тарихий номини аслида сақлаб қола олдик. Зиёлиларимиз қабристоннинг тўғри номи «Ўпчилли», яъни совути билан бирга кўмилган зот, деган маънони англатишини исботлашди.

Охириги пайтларда маҳалламизда қатор ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Битта

қудуқ қазилиб, иккита кўчанинг ичимлик суви муаммолари ҳал этилди. Кўчаларга шағал қоплама тўшалапти. Кейинроқ асфальтлаштирилади.

Аммо муаммоларимиз ҳам ҳали талай. Масалан, иккита кўчамизга ичимлик суви тармоқлари тортилган. Аммо битта қудуқдан чиқаётган сув тўртта кўчани таъминлай олмайди. Яна қудуқ қавлаш керак. Айнақса, электр тармоқлари билан боғлиқ муаммоларимиз жуда ўткир тус олган. Маҳалламизга илк бора 1961 йилда, бундан 60 йил илгари

электр келган. Шундан буён бирор марта ҳам симлар, симёғочлар алмаштирилмади. Натижада кучланиш жуда паст. Ҳатто компьютер ишлаймайди. Кондиционер, музлаткичи-ку, гапир-маса ҳам бўлади.

Таклифим: тизимда жадваллар, такрор мурожаатлар, қоғозбозлик сув тугатиш керак. «Зудлик билан тўлдириб беринг» дейиладиган жадвал ва маълумотномалар жуда кўпайиб кетди. Энг ачинарлиси, бу ҳужжатларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Қаерлардадир қолиб кетади.

Ҳар ой тузиладиган иш режасини-ку, айтмасам ҳам бўлади. Барибир ҳеч ким бу режа асосида ишлай олмайди. Чунки маҳалла ишини режалаштиришнинг имкони йўқ. «Фалон куни, фалон оилада жанжал бўлади. Шуни яраштиришга бораман», деб режа тузолмайсиз-ку ахир. Уйлайманки, тез орада бу каби муаммолар барҳам топади.

Зоҳиржон КАРИМОВ,
Фурқат туманидаги
«Чирикай» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.

Бундан уч-тўрт йил олдин, ҳатто вилоят марказларидаги шаҳарларда ҳам электр энергияси доимий муаммога айланганди. Қишлоқларда эса аҳвол жуда ёмон ҳолатда, бир кунда бир соат чироқ ёнарди ёки йўқ. Табиий газ масаласида эса муаммолар кўпайганди.

Аммо бугунги кунда соҳага оид ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Ҳатто энг чекка ҳудудларга ҳам электр энергияси етказиб берилмоқда. Газ таъминоти ҳам худди шундай. Табиий газ етиб бормаган жойларни режали газ баллонлари билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам тежамкорлик қилиш усулларидан тўғри фойдаланилса, мавжуд энергия манбаларини яна анча вақтгача сарфлаш имконияти туғилади. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Таъминот борасида муаммо бўлмайд

Ўзбекистонда 2030 йилга қадар 25 та қуёш ва 10 та шамол электр станцияси қуриш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга ошириш режалаштирилган. Жумладан, айни кунларда Навоий вилоятининг Кармана туманида Бирлашган Араб Амирликларининг «Masdar» компанияси томонидан 283 гектар майдонда 100

МВт. қувватли қуёш фотоэлектр станцияси қурилмоқда. Лойиҳанинг қиймати 110 млн. доллар бўлиб, ўртача 5 та туманининг эҳтиёжини қоплаш назарда тутилган.

Шунингдек, мамлакатимиздаги мавжуд газ қудуқларидан ташқари, янги конларни излаб топиш орқали аҳолининг йил давомида узлуксиз газ билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хусусан, иккинчи ярим йилликда мамлакатимиздаги истеъмол қувватини тўлиқ таъминлаш учун 32 млрд. куб метр табиий газ ресурслари балансини шакллантириш орқали куз-қиш мавсумида тизимни барқарор ишлатиш вазифаси қўйилган. Бунинг учун ҳар бир кон кесимида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш, хорижий ва қўшма корхоналар салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланиш зарур.

Тежамкорликни қайдай амалга оширса бўлади?

— Айни пайтда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ва янги газ-кимё лойиҳалари ишга туширилиши



инобатга олиниб, келгуси 5 йилда табиий газга бўлган талаб ортиши ҳисоб-китоб қилинган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Олтиной Мамирова**. — Албатта, бу каби халқимиз турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилишига барчамиз бирдек масъулмиз. Аммо энергия тежовчи ва қайта тикланувчи электр энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда мавжуд газ конларидан ташқари янги конларни излаб топиш билан биргаликда истеъмолчилар томонидан ҳам бу борада айрим ташаббуслар амалга оширилиши лозим деб ҳисоблайман.

Жумладан, бугунги кунда аҳоли хонадонлари ҳамда саноат корхоналарида энер-

гия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан ортиқ даражада сарфланмоқда. Шу боис истеъмолчиларнинг истеъмол маданиятини яхшилаш, ижтимоий-маиший ва тадбиркорлик объекларни ҳамда аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда манфаатдорлик кўрсаткичларини белгилаш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Чунки ҳозирда кўрилаётган чораларга қарамасдан истеъмолнинг «пик» вақтларда ортиб кетиши узилишлар кузатилишига олиб келмоқда. Айниқса, бу кўрсаткич куз-қиш мавсумида кўпайиб кетади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электр энергияси ва газ етказиб беришда турли хилдаги табақалаштирилган тарифларни жорий этиш керак.

Яъни ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда аҳоли хонадонларида энергия истеъмоли режимини сутка давомида ўзгартириш вақтларда истеъмол ҳажмини камайтирса, тўловда имтиёз бериш муаммонинг ечими саналади. Жумладан, қайсики хонадон ёки тадбиркорлик субъекти «пик» вақтда кам газ ва электр энергиясидан фойдаланса, ўша вақтдаги истеъмол қуввати учун имтиёзли тўлов жорий этилади. Шундагина аҳолида истеъмол маданияти ортиб, «пик» вақтларда ортиқча сарфларнинг олдини олади. Бу эса, айниқса, куз-қиш мавсумида тармоқларга бўлган босимнинг ортишини камайтиради ва етарли даражадаги захира қувватларини ўз вақтида узлуксиз истеъмолчиларга етказиш имкониятини яратади.

* * *

Бундан икки йил олдин тежамкорлик борасида биринчи навбатда ақлли ҳисоблагичлар ўрнатила бошланди. Ушбу ҳисоблагичлар орқали сарфланаётган маҳсулот ва истеъмолчи эҳтиёжи қай даража қондирилаётгани яқ-

қол акс этди. Биринчи навбатда ўғирлик қилиб бўлмайдиган ақлли ҳисоблагич туфайли тежаб ишлатишни, яъни ҳудда-беҳуддага электр энергиясини сарфламасликни ўргандик. Истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам, ҳисоб-китоб қилишда ҳам анча қулайликларга эришилмоқда.

Шунингдек, пойтахтнинг Юнусобод туманида электр энергиясини тежаш мақсадида янги тажриба йўлга қўйилганди. Тежамкорлик борасида газга ҳам электрга ҳам ақлли ҳисоблагичларни ўрнатиш борасида талайгина ишлар амалга оширилгани билан керакли техник жиҳозлар яроқсиз ҳолатда бўлиши натижа қийматини тушириб юбориши тайин. Баъзи ҳудудларнинг ханузгача 50-60 йиллик симёғочлардан фойдаланиши бор гап. Худди шундай газ қувурларини ҳам яроқсиз бўлиб қолганларини алмаштириш лозим. Бундай ҳолатларга барҳам берилсагина тежамкорлик янада ўз ўрнида бўлиши мумкин.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЯНГИ ИДОРА ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛОЛМАЯПМИЗ»

Маҳалламиз ҳудудида 6 та қишлоқ жойлашган бўлиб, аҳоли деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланишади. 6 та фермер хўжалиги бўлиб, пахта ва ғалла-га ихтисослашган.

Аҳолининг асосий қисми мавсумий ишлар билан банд. Қишда эса кўпчилик ишсиз, бекор қолишади. Шу боис ҳозир ҳамма иш билан банд. Кимдир устачилик қилган, кимдир томорқасига қараган, яна кимдир иш излаб хорижга чиқиб кетган. Деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам ўз-ўзидан бўлиб

қолмайди. Ҳаммасига меҳнат қилиш керак.

Муаммолар бор. Йўлларимиз таъмир-талаб ҳолатда. Баъзи симёғочлар зудлик билан алмаштирилмаса, қулаб тушиш ҳолатида турибди. «Зовур»ларни кўпроқ қовлатиб қўйиш керак. Бу йил ёмғир бўлмади. Агар ёмғир кўп ёғса, томорқаларда сув захлаб

қолади. Чунки ҳудуд захкаш ер ҳисобланади. Бу эса экинларга зарар етказиб қўяди. Ҳосил нобуд бўлиши мумкин. Ҳудудимизда қишлоқ врачлик пункти йўқлиги боис аҳоли учун бу қийинчилик туғдирмоқда.

Яна бир гап. Маҳалла идораси жуда эски. Устига-устак қабристоннинг ёнида

жойлашган. Туман ҳокимлигига ер ажратиш бериш учун бир неча маротаба мурожаат қилиб чиққанмиз. Ҳаттоки, янги идора қуриб берадиган ҳомий ҳам топгандик. Аммо ер масаласи ханузгача ҳал этилгани йўқ.

Таклиф. Маҳалла раисининг маоши кам. Беш марта туман марказига бориб кел-

сам, маошим тугайди. Қишлоқларни айланиб чиқиш учун битта хизмат машинаси қилиб берилса, яхши бўларди. Штатни ҳам кўпайтириш керак.

Шухрат ЭРГАШЕВ,
Иштихон туманидаги «Муродобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИМИ?

Бугунги кунда кўплаб қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, айримларига тузатишлар киритилмоқда. Баъзи қонунлар депутатлару аксарият аҳолининг эътирозига сабаб бўлса-да, қабул қилинмоқда. Яқинда ана шундай қонунлардан бири – «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси депутатларнинг қатор эътирозларига сабаб бўлди.

Гап шундаки, мазкур қонун лойиҳаси ички ишлар органлари ходимлари ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳамда бошқа ҳокимият вакилларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатганлик ёки тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган. Жумладан, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш белгиланмоқда.

Хўш, ушбу қонун халқ ноибларида қандай эътироз туғдирмоқда?

Депутатлар лойиҳанинг зарурлигини инкор этмаган ҳолда



айрим танқидий фикрларни айтиб ўтишди.

– Назаримда республикада ички ишлар органи ходимлари хатти-ҳаракатидан келиб чиқсак, бу лойиҳани қабул қилиш бироз эрта деб ўйлайман, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраев.** – Тўғри, ижобий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Лекин бугунги кунда ички ишлар тизимидаги ислохотлар ўз ниҳоясига етмаган. Барчангизга маълум, ижтимоий тармоқлар орқали ички ишлар ходимларининг хатти-ҳаракати билан боғлиқ салбий ҳолатларни кузатиб бораёмиз. Жумладан, алоқа воситалари орқали берилган буйруқ асосида қонун бузулишларини

айтасизми, Навоий ва Тошкент вилоятидаги воқеаларни оласизми, «Спарк» машинасидан чиққан техника тузатиш эҳтиёт қисмини совуқ қурол деб баҳоланиши бу тизимдаги муайян камчилик ва муаммолардан далолатдир. Бундай ҳолатда мазкур қонунни қабул қилиш тескари натижаларни бериши мумкин. Шу боис ички ишлар тизимини бу соҳага адашиб келиб қолган ва ўз вазифасига нолойиқ ходимлардан тозалагандан кейин ушбу қонун лойиҳасини қабул қилсак мақсадга мувофиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Полвоновнинг таъкидлашича, бугун мазкур қонун лойиҳаси билан бир тарафнинг жавобгар-

лигини кучайтириш ўйланяпти.

– Биз фуқароларнинг кўплаб соҳада жавобгарликларини ошириб, уларнинг кучайтириб юбормаяпмизми, уларнинг ҳам таклифларини ўйлаб кўришимиз керак эмасми? – дейди **Шуҳрат Полвонов.** – Тўғри, ривожланган давлатларда полиция ходимининг «тўхта» деган буйруғига бўйсунмаса отиб ташлашга ҳақли, лекин бу ўша фуқародан келаётган хавф билан тенг бўлиши зарур. Агар ноқонуний отиб қўйилса, давлат унга жуда катта миқдорда товон пули тўлашга мажбур бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан икки тараф, яъни фуқаро ҳам, ҳокимият вакили ҳам ёндашувда ўз масъулиятини ҳис эта олади. Биз ҳозир қаршилик кўрсатган тарафнинг жавобгарлигини оширишни ўйлаёмиз, лекин ноқонуний ҳаракат қилган ички ишлар ходими жавобгарлиги қаерда қолади?

Кўриб турганингиздек, юқорида мамлакатимизда ички ишлар ходимлари

иштирокидаги айрим ноуш ҳолатлар айтиб ўтилди. Бироқ юз берган ҳолат бўйича тизимдаги масъулларнинг асосли изоҳи ёки баёнотини кўрмадик. Агар фуқаро ноқонуний ҳаракат қилса бир кунда жазолаб, телевиденияга олиб чиқилиб, узр сўратиляпти. Нима учун мансаби доирасидан четга чиққан ёки вазифасини суиистеъмор қилган мансабдорга чора кўрилмаслиги керак? Ижтимоий адолат тамойиллари қаерда қолмоқда?

Дарвоқе, шундай қонунлар ҳам борки, фақат бир соҳа ёки тузилма манфаати устун қўйилиб, депутатлару сенаторлар томонидан маъқулланмоқда. Жабрини эса оддий халқ чекмоқда.

Нима бўлганда ҳам қабул қилинаётган ҳар қандай қонун мамлакат, халқ манфаати учун хизмат қилиши, ижроси тўлиқ таъминланиши лозим. Йўқса, халқимизнинг қонунларга бўлган ишончи йўқолиб бораверади.

Нигора КАМОЛОВА.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«МАҲАЛЛАМИЗДА «АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ» ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА»

Президентимиз ташаббуслари асосида йўлга қўйилган «Андижон тажрибаси», яъни «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, пировардида аҳоли бандлиги ва даромадини оширишга қаратилган янгича ёндашув бизда ҳам амалга ошириляпти.

Қувонарлиси, «Андижон тажрибаси» оғир маҳаллаларга татбиқ этилаётир. Бу эса тадбиркорликни, кооперацияларни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва даромадини ошириб, маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиради.

Бугунги кунда аҳолимизнинг аксарияти паррандачилик, чорвачилик билан шу-

ғулланишади. Бироқ ҳудудимизда турли йўналишларда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш мумкин. Бунинг учун жой ҳам, ишчи кучи ҳам етарли. Фақат мутасаддилардан ҳаракат, интилиш керак, холос.

Яқин уч ойда ўз ташаббусимиз, ҳашар ва ҳомийларимиз кўмагида 9 та кўчамизни шағаллаштирдик, кам таъминланган бир

оилага янги 4 хонали уй қуриб бердик. Тадбиркор томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосида янги маҳалла идораси қурилмоқда. Биринчи қавати маҳалла идораси бўлса, иккинчи қавати маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва садво дўконлари бўлади.

Муаммомиз шундаки, ҳудудимизда илгари ғишт заводи



бўлгани учун турли чуқурликлар, кўллар ҳосил бўлган. Бугун ушбу кўлларда турли хил ҳашоратлар пайдо бўлиб, аҳоли турмуш тарзига, саломатлигига жиддий таъсир ўтказяпти. Ана шу муаммо тезроқ ҳал

этилса, аҳоли хурсанд бўларди.

Рахим ЖУМАМУРАТОВ,
Нукус шахри
«Қизилқум»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ТАДБИРКОРЛАРГА ЯХЛИТ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ КЕРАК

Қайсики давлатда тадбиркорлик ривожланган бўлса, ўша юрtda иқтисодий тараққиёт кузатилади. Шу нуқтаи назардан уч-тўрт йилдан буён юртимизда тадбиркорларга қўлай шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Агар тадбиркор ишида тўсиқ бўлмаса, у фойдани қанча кўп олса, шунча кўп инвестиция киритади ва бу иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади. Бундан эса тадбиркорнинг ўзи ҳам, халқ ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлади.



Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотига кўра, махсус штабга тадбиркорлар томонидан 15 минг 309 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг барчаси тоифага ажратилиб, аксарият қисми бизнесни молиялаштириш, кредитлаштириш ва субсидиялар борасида бўлган. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, аксарият масалалар Тошкент шаҳри (1 564 та), Сурхондарё (1 395 та), Тошкент (1 357 та), Қашқадарё (1 288 та) ва Фарғона (1 250 та) вилоятларидан келиб тушган. Уларнинг 81,1 фоиздан ортиғи ҳал этилгани айtilмоқда. Аммо тадбиркорлар нималардан норози бўлишмоқда?

Ортиқча тўловлар қайтариладими?

Кейинги пайтларда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг коммунал тўловлари жуда қим-

матлиги ва зарарга ишлаётгани ҳақидаги гап-сўзлар тез-тез қўлоққа чалинапти. Бундай ҳолатлар деярли барча ҳудудларда кузатилмоқда. Аслида эса оилавий тадбиркорлик субъекти ўз тураржойидан (бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда) товарлар ишлаб чиқариш учун фойдаланса, коммунал тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида тўлаши белгиланган. Бу тарифни тадбиркор билмаслиги мумкин. Аммо шу соҳа мутахассиси бўла туриб билмаслиги ёки хабардор бўла туриб тадбиркорларни чув тушираётганларни нима деб аташ мумкин? Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан 2020 йил ва 2021 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида оилавий корхоналарга электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва ичимлик суви

(канализация) тарифларининг тўғри қўлланилиши юзасидан ўрганишлар ўтказилган. Мазкур давр мобайнида республика бўйича 1100 га яқин оилавий корхонадан 1 млрд. 503 млн. 600 минг сўм, шу жумладан, 50 та оилавий корхонадан табиий газ бўйича 272,9 млн. сўм, 915 та оилавий корхонадан электр энергияси бўйича 1 млрд. 204 млн 700 минг сўм, 134 та оилавий корхонадан сув таъминоти бўйича 26,5 млн. сўм асоссиз даромад олингани аниқланган.

Ушбу ҳолатларда коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан бир қатор оилавий корхоналарга тарифлар қонун ҳужжатларида белгиланганидан бошқача тарзда нотўғри қўлланилганини кўрсатиб турибди. Таъкидланишича, ҳозирда мазкур ортиқча ундирилган пул маблағларини оилавий корхоналарга қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Тадбиркорлик кодекси ечим бўла оладими?

— Айни пайтда бизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тарқоқ ҳолда ва ниҳоятда кўп миқдорда қабул қилин-

ган, — дейди **Адлия вазирини Русланбек Давлетов.** — Хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5000 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Ҳужжатларнинг ниҳоятда кўплиги улар ўртасида коллизияларни келтириб чиқариши мумкин. Зарур бўлган қонунчилик ҳужжатини топиш ҳамда амалда қўллаш қийинчиликларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Соҳани ҳуқуқий тартибга солишда замонавий тенденциялардан келиб чиқиб бўшлиқларни бартараф этиш зарурияти мавжуд, янги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солиш масаласи турибди. Масалан, «ўрта бизнес» мезонлари, инновацион тадбиркорлик ва электрон тижоратнинг кириб келиши (стартап-корхоналар, инновацион кластерлар, технологик парклар ва б.). Тадбиркорлик кодексининг қабул қилиниши тарқоқ ҳолда ҳамда турли коллизиялар мавжуд бўлган қонунчилик ҳужжатларини ягона ҳужжатга бирлаштиради. Демак, тадбиркорга битта компакт, тушунарли ҳуқуқий меъёрлар тўплами зарур.

Демак, Тадбиркорлик кодексининг қабул

қилиниши турли хил можаролар мавжуд бўлган хилма-хил қонун ҳужжатларини ягона ҳужжатга бирлаштириш, тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини меъёрлаштириш, давлатнинг тадбиркорлик соҳасидаги аралашувини камайтириш, шунингдек, тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасида ягона ёндашувнинг аниқлаб олинишига ёрдам бериши мумкин. Лойиҳанинг сентябрь ёки октябрь ойларида мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, давлат тадбиркорга шароит яратиб, электр, газ, сув, йўл, кредит беришдан ташқари унга зарур ҳуқуқий кафолатларни бериши, мулк дахлсизлиги, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаб бериши лозим. Бу борада ҳозирги кунда асосий муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Хулоса шуки, тадбиркорларга яхлит ҳуқуқий ҳужжат керак. Токи, у чалғимасин ва уни чалғитишга уриниш бўлмасин. Шундоқ ҳам тадбиркорнинг қиладиган иши ва вазифалари кўп.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЭКИНГА ҲАМ, ИЧИШГА ҲАМ СУВ ЙЎҚ»

Маҳалламизда иккита қишлоқ бўлиб, туман марказидан 40 км. узоқ масофада жойлашганмиз. Маҳалла «драйвери» — чорвачилик. Бизда деҳқончилик қилиб бўлмайди. Боиси сувимиз шўр ва яроқсиз.

Томорқалар ҳам қақраб ётибди. Деҳқончилик қилиб бўлса ҳам кун кечираман, дейдиганлар учун шароит йўқлиги боис кўпчилик хорижга иш излаб кетяпти. Чорвани ҳам ўзи бўлмайди. Бу йил қурғоқчилик бўлгани боис чорвага ҳам таъсир қилди. Айни пайтда 150 нафар киши четга чиқиб кетган. Мавжуд 22 та фермер ҳам лалмикор экинлар етиштиришга ихтисослашган.

Муаммо бор. Энг катта муаммомиз —

ичимлик сув. Бундан икки йил олдин Қашқадарёдан сув тармоғи битта қишлоқнинг ўртасига тортиб келинганди. Ўша тармоқдан ҳамма ташиб ичиши керак эди. Аҳоли шунга ҳам рози бўлишганди. Аммо хурсандчилик узоққа чўзилмади. Бу сувни ҳам истеъмол қилиб бўлмади. Яроқсиз бўлиб чиқди. Айни пайтда аҳоли сувни сотиб олиб ичади. Катта машиналарда сув олиб келиб сотишади.



Бизда бир қултум сув ҳам бебаҳо неъмат. Баъзи ҳудудларда ичимлик сувини исроф қилаётганини кўрсам, «Бизни қишлоққа бориб бир ҳафта яшанглар, сувни қадрига етасизлар», дейман. Симёғочлар ҳам

ўз даврини ўтаб бўлган. Йўллар таъмирталаб ҳолатда.

Таклиф. Пенсия жамғармаси учун аҳолининг ҳужжатларини биз қилиб узатамиз. Мана шу ҳужжатлар ҳам биздан олиб ташланса, яхши бўларди.

Чунки кимгадир пул тайинласа ёки пул берилмаса ҳам бизни айблашди. Ҳаттоки, устимиздан шикоят аризалар ҳам қилишмоқда. Бу эса биз учун ортиқча овозгарчилик бўляпти. Бу хусусида мутасаддиларимиз йўлаб кўришса, яхши бўларди.

Баҳодир ИБДУЛЛАЕВ,
Нуробод туманидаги «Чорвадор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҚОРАМОЛ БОҚИБ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШ МУМКИНМИ?

Қишлоқ жойларда мол боқиш даромадли иш сифатида кўрилади. Албатта, гўшнинг нархи фалон пул бўлгач, фойда ҳам яхши бўлади-да. Лекин чорванинг орқасидан пул топиш осон эмас. Машаққатли меҳнатини қўйинг, ем-хашагининг ўзига бир дунё сарф-харажат кетади. Ҳозирда эҳтиёжманд оилаларга имтиёзли кредит асосида чорва моллари олиб берилаётгани ҳақидаги хабарлар тез-тез қулоғимизга чалинади.

Бу ишлар кам таъминланганлар оёққа туриб олсин, деган ниятда қилинмоқда. Сўнгги пайтларда эса банклар ушбу мақсадга йўналтирилаётган имтиёзли кредитлардан зарар кўраётгани, яъни маблағлар қайтиши кафолатсиз бўлиб қолаётгани ҳақида эшитяпмиз. Хўш, бунга сабаб нима?

Тирикчиликка топилмаган маблағни молга қаердан олади?

Биламизки, Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига асосан, банклар томонидан аҳолига чорва молларини 3 йил муддатга, қайта молиялаш ставкаси билан тенг фоизда, имтиёзли даври билан кредитга берилди. Бошида ҳар қандай майда ва йирик шохли моллар учун ҳам берилаверган бўлса, ҳозирги кунда фақат импорт қилинган зотдор қорамолларга кредит ажратиш келинмоқда.

Лекин ушбу кредитни ажратиш ва уни қайтариш масаласида бир қатор чалкашликлар мавжуд. Биринчидан, кредит

учун гаров таъминоти ва бошланғич тўлов белгиланмаган. Фуқаро фақат кредит суғуртасини тўлайди. 6 ой имтиёзли даврдан сўнг кредитни сўндира бошлайди.

Муаммо шундаки, кредит кам таъминланганларга, яъни уни қайтара олиш имкониятига эга бўлмаган инсонларга берилди. Юқорида айтганимиздек, молнинг емиши қиммат туради. Ўзи тирикчиликка маблағ тополмаётган оила ҳар ой фалон миллион сўмга чорва озукасини қаердан олиб берсин. Харажатларни чўтга солиб кўрайлик: 20 млн. сўмга 2 та қорамол олинса, унинг ойлик кредит тўлови 1,5 млн. сўм атрофида бўлади. 2 бош мол ойига камида 1,5 млн. сўмлик ем-хашак, озукка ейди. Ойига — энг камида 3 млн. сўм харажат. Фақат молнинг ўзига 3 млн. харажат қила оладиган оила кам таъминланган ҳисобланадими?

Шундай шароитда мол олиб берилган эҳтиёжманд оила нима қилади: давлат совға қилди, деб бозорга олиб чиқиб сотади. Маблағни қайтариш фурсати келганда эса ҳеч нар-



са билмагандай елка қисиб тураверади. Даромади, баҳолайдиган тайинли мулки бўлмаган одамдан кредитни қандай ундириш мумкин.

Имтиёзли кредитлар фирибгарларга айна мударо бўлмоқда

Аммо асосий гап бунда ҳам эмас. Чорва моллари учун кредит гаровсиз ва бошланғич тўловсиз берилаётганидан коррупциячилар унумли фойдаланиб қолишмоқда. Яъни қорамоллар маблағни қайтармайдиган инсонларга қасддан ажратиш берилаётган ҳолатлар мавжуд.

Ачинарлиси, баъзи «учар»лар қишлоқлардаги кам таъминланган оилаларни

алдаб, уларнинг номига кредит расмийлаштириб, қорамолларни бозорда сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишгани ва хорижга қочиб кетишгани ҳам кузатилган.

Натижада ресурсларнинг банкка қайтиши камаймоқда, бу эса янги кредит ажратишга тўсқинлик қилмоқда, банкларга таъминотчиларга пул маблағларини ўтказиб беришда қийинчиликлар яратмоқда.

Бозор нархидан икки баравар қиммат молдан қандай фойда олиш мумкин?

Бу жараёнда банк ва таъминотчилар томонидан ҳам инсофдан кўз юмилаётгани кўзга ташланмоқда. Аниқроқ айтсак, таъминотчилар қорамолларнинг бозор баҳосига нисбатан қарийб икки баробаргача нарх белгилаб олишган. Кўриняптики, аҳоли бу машғулдан фойда ололмастлигини олдиндан билади. Тасаввур қилинг, фуқаро молни қимматга олиб, ойлар давомида боқса, бўйнига каттагина қарзни юклаб олмайди.

Бунга мисол бор: 7 нафар аъзодан иборат, (уларнинг икки нафари ногирон) бўлган камбағал оила 30 млн. сўм кредит эвазига банк кўрсатган таъминотчидан 3 бош қорамол олади.

Оила олти-етти ой амал-тақал қилиб молларни боқади. Бунга қадар оила ем-хашакнинг ўзидан 7 млн. сўм қарз бўлиб қолади. Охири шартномани бекор қилиш ва молларни қайтариб беришга қарор қилишади. Табиийки, банкдагилар кўнишмайди. Иложсиз молларни сотиб, кредитни ёпмоқчи бўлишса, бозорда 15 млн. сўмга баҳоланади. Қарангки, эҳтиёжманд оила ночорликдан қутулиш ўрнига, баттар аҳволга тушди.

Бизни ҳар доим қишлоқ жойларда мол боқиш учун имконият кенг, деган тушунча чалғитади. Аммо ҳозирги пайтда ҳамма жойда ҳар бир қарич ер эгали бўлиб кетгани эсимизга келмайди.

Хуллас, чорва билан шуғулланиш бизнинг шароитимизда оддий одам бажариб кетаверадиган иш эмас. Айниқса, хориждан олиб келинаётган зотдор молларни парваришлаш алоҳида билим ва тажриба талаб этади. Шу боис кам таъминланган оилаларни камбағалликдан чиқариш учун имтиёзли кредит асосида қорамоллар билан таъминлаш амалиётидан воз кечиш, бошқа самарали йўлдан фойдаланиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Пўлат
ТОШТЕМИРОВ,
иқтисодчи.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«БОЛАЛАРИМИЗ БОҒЧА НИМАЛИГИНИ БИЛМАЙ ЎСИШЯПТИ»

Маҳалламизда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» асосида аҳоли муаммоларини ҳал этишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Айниқса, одамларнинг ўзини ўзи банд қилишига ёрдам беряпмиз.

Жумладан, 8 нафар кишига чорва моллари, 4 нафарига парранда сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди. 103 нафар ёшларга такрорий экин экиб, деҳқончилик қилиши учун ер майдонлари берилди.

Аммо аҳолини қийнаётган айрим муаммолар ҳам бор. Хусусан, ҳудудимиздаги мактаб бир пайтлар дала шийпони вазифасини бажарган бинода жойлашган. Таълим маска-

нига мўлжалланмагани учун хоналари тор ва бошқа ноқулайликларга эга. 441 нафар ўқувчининг етарли шароитларда билим олиши мутасаддиларни қизиқтирмапти. Мактабгача таълим муассасаси-ку ҳеч қачон бўлмаган. Болаларимиз боғча нималигини билмай ўсишмоқда.

Бундан ташқари, ички йўлларимизга асфальт ёки шағал ётқизилмаган. Қишин-ёзин чанг-тупроғу лойгарчиликдан қийна-

ламиз. Асосий муаммо — ичимлик сув қувури бизга етиб келмаган. Инсон истеъмолига яроқли сув етишмайди. Бу эса кўп қийинчиликларга сабаб бўляпти. Энг ёмони, ахвол шу тарзда давом этаверса, аҳоли ўртасида хавфли касалликлар тарқалиши ҳам мумкин.

Поён НОРМУРОДОВ,
Нишон туманидаги
«Орзу бўстони»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

СУТ САВДОСИ ТАРТИБГА ОЛИНМАС ЭКАН, ФОЖИАЛАР ТЎХТАМАЙДИ

Кейинги кунларда овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ қатор ҳодисалар юз берди. Жумладан, ўтган ҳафта хабар берганимиздек, Оққўрғонда болалар боғчасида 30 нафарга яқин бола овқатдан заҳарланган. Бир нафар гўдак ҳалок бўлган. Бугун эса Олмалиқ шаҳрида музқаймоқдан оммавий заҳарланиш ҳолати бўлгани ҳақида хабарлар тарқалди. Бу ҳақда шаҳар санитария ва эпидемиология бўлими маълумот тарқатган.

Яна нима бўлди?

Қайд этилишича, Олмалиқ шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига 36 нафар бемор заҳарланиш ташхиси билан ётқизилган. 15 август ҳолатига уларнинг 31 нафарига аҳволи яхши бўлгани сабабли уйига рухсат берилган. Яна беш нафар бемор даволанишда, аҳволи ўртача экани айтилади. Бундан ташқари, Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмасига шу ташхис билан ётқизилган 13 нафар бемор мавжуд. Айтилган пайтда уларнинг ҳолати ўртача оғир, муолажалар давом эттирилмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам хусусий тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилган музқаймоқ бу вазиятга сабабчи бўлгани аниқланган, — дейди Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Дилфуза Рўзиева — Бу тадбиркорлик субъекти Олмалиқ шаҳрида жойлашган. Айтилган пайтда вазият юзасидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ тегишли ҳуласалар мутасаддиларга берилган. Эпидемиологик суриштирувлар



давом эттирилмоқда.

Кенг имконият шаҳар бедарвоза дегани эмас

Оққўрғонда юз берган ҳодисада бир нафар гўдак ҳалок бўлди. Умид қиламизки, Олмалиқдаги воқеа фожиаларсиз яқун топади. Тўғри, кейинги йилларда юртимизда тадбиркорларга берилаётган кенг имкониятлар натижасида озик-овқат маҳсулотлари, жумладан, музқаймоқлар ишлаб чиқариш кўпайди. Бундан ташқари, фермерлик ҳаракатининг қулоқ ёзгани ҳамда аҳолига қорамол учун кредитлар ажратиш орқали хонадонларда сут ва сут маҳсулотлари етиштириш кескин ортди.

Уларни назорат қилиш оғирлашгани ҳам рост.

Кўпинча хонадонларда тайёрланган сут ва сут маҳсулотлари тегишли назоратдан ўтмаган ҳолда, бозорлар расталарида, музқаймоқ ва бошқа товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга тушиб қолиши мумкин. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ўз имижларини ўйлаган ҳолда текширувларни йўлга қўйишлари лозим бўлади.

Аммо ишлаб чиқарувчилар ҳам «майдалашган». Масалан, ўртача музқаймоқ дўконлари узок борса, уч ёки тўрт ходимни ишлатиши мумкин. Янада кичикроқларида эса битта одам иш билан таъминланган. Тайёрловчи ҳам, хомашёни олиб келувчи ҳам,

сотувчи ҳам, ҳисоб-чию фаррош ҳам ўша битта ходим. Бу тадбиркорлик субъектининг бошқа иложи ҳам йўқ. Акс ҳолда банкрот бўлиши турган гап. Бу ҳолатда қайта ишлаб, музқаймоқ тайёрлаш учун олиналган сут ва бошқа маҳсулотларнинг сифатини текшириб берадиган мутахассис ёллашнинг имкони йўқ. Санитария-эпидемиология марказлари уларга маълум ҳақ эвазига кўмак берувчи ходимларни ажратиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Сут бозори қачон тартибга келади?

Кейинги йилларда бу каби воқеалар тез-тез такрорланяпти. Бирор йил йўқки, музқаймоқ, бошқа маҳсулотлардан заҳарланиш ҳолатлари учрамаган, бу фожа билан яқунланмаган бўлса. Бизнингча, муаммонинг туб моҳияти сут ва сут маҳсулотлари савдосининг ўзи тўғри йўлга қўйилмаганида бўлса керак. Масалан, пойтахтимиздаги Қўйлик бозори доврўғини эшитмаган инсон йўқ. Бозорнинг ёнгинасида, кўприк остида ҳар куни

эрта саҳардан ёйма сут бозори бошланиши ҳам барчамизга маълум. Шу ердан ҳеч бир назоратдан ўтмаган, санитария қоидаларига мутлақо мос бўлмаган ҳолатларда сотилаётган тонналаб сут, қатик, қаймоқ, сарёғ, бринза ва ҳоказолар бутун пойтахт бўйлаб музқаймоқ дўконлари, умумий овқатланиш шаҳобчалари, тўғридан-тўғри хонадонларга тарқалиб кетади.

Сут — тез бузиладиган маҳсулот. Натижада Қўйлик кўприги ости ачиган сути ҳиди билан тўлиб кетади. Тушликка бориб бу ердан кўнглинг ағдарилмай ўтиш қийин. Тўғри, ободонлаштириш бўлимлари ходимлари кечга томон сут бозори чиқиндиларини тозалаб, ювиб олишади. Аммо эртасига саҳардан вазият яна такрорланаверади.

Уйлашимизча, мамлакатимизда тез айнайдиган маҳсулотлар савдоси қатъий тартиб остига олинмас экан, юқоридаги каби воқеалар такрорланаверади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

ТАШАББУС

МИНГБУЛОҚ МАҲАЛЛАЛАРИДА КООПЕРАЦИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

"Маҳаллабай" ишлаш тизими асосида Мингбулоқ туманининг ҳар бир маҳаллалари бўйича соҳалар кесимида кооперациялар ташкил этилмоқда.

Мисол учун, «Қолгандарё» маҳалласида тикувчилик ва паррандачилик, «Гулистон» маҳалласи ҳудудида чорвачилик, «Қўшқиллоқ» маҳалласи ҳудудида биогумус, «Меҳнатобод» маҳалласида чарм-пойабзал ва сумка ишлаб чиқариш, «Яккатол» йиғинида паррандачилик (ўрдаклар) кооперациялари ташкил этилади.

Бунинг учун ҳар бир маҳаллада 100 тадан хонадон қамраб олиниши кўзда тутилган. Ҳозирда кооперацияларни ташкил этиш бўйича ер майдонла-



ри ҳамда бўш турган бинолар танлаб олинмоқда.

Бундан ташқари, «Тегирмонбоши» маҳалласи ҳудудида ўрмон хўжалигига тегишли 10 га. ер майдонидан 1 га очиқ ер майдонида яшиқчилик кичик саноат зонаси ҳам ташкил этилади.

Айтилган пайтда бу хайрли ишга дастлабки ҳаракатлар бошланган бўлиб, ер текислаш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

Олимжон ҚОДИРОВ,
Мингбулоқ тумани
Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш
бўлими бошлиғи.

БИЛАСИЗМИ

Вазирлар Маҳкамасининг ФХДЁ органлари фаолиятига оид тегишли қарорига мувофиқ, никоҳланувчи шахслар ўз хоҳишларига кўра, иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлашлари ёки ўзларининг никоҳгача бўлган фамилияларида қолишлари мумкин. Никоҳланувчилар фамилияларининг қўшилиши орқали ҳосил бўлган фамилия умумий фамилия сифатида танланиши мумкин. Масалан, куёв Аҳмедов, келин Шухратова бўлса, шунда куёв Аҳмедов-Шухратов, келин эса Аҳмедова-Шухратова бўлиши мумкин.

Қўшфамилияли фуқароларнинг фарзандига қандай фамилия берилишига келсак, бундай ҳолатда Оила кодексининг 69-моддасига асосан, боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда уларнинг келишувига биноан, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Шунингдек, ота-онанинг хоҳишига кўра, бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин.

Яна бир жиҳат: илгари 16 ёшдан ошган, туғилиши қайд этилмаган шахсларнинг туғилганини қайд этиш фақат суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилган эди. Энди эса тегишли тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра, ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИНИНГ МУҲОФАЗАСИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Куни кеча қўлимга бир хабар келиб тушди. Унда Навоий вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Улуғбек Раззақовнинг икки соатлик селектор йиғилишидаги гаплари акс этган. Маърузадаги соҳа таҳлиliga доир айрим фикрлар шу мақолани ёзишга туртки бўлди.

Кўпчилик одамлар экология тизимини таҳлил қилар экан, энг аввало, порахўрлик, таниш-билиш, ўқувли ёшларни ва мутахассисларни экология тизимига ишга олмаслик, ўқувсиз ходимларни ушлаб туриш каби камчиликларни кўрсатишди. Аммо, мана неча йилдирки, муаммоларни қанча гапирмайлик, курашмайлик, улар бартараф этилаётгани йўқ.

Чунки биз уларни келтириб чиқараётган асосий сабабларни ўрганаётганимиз йўқ. Балки оқибатларни таҳлил қилишга берилиб кетганмиз. Гўёки, бу муаммо бошқа жойда йўғу, фақат экология тизимида пайдо бўлгандай. Агар бирор жамоада бир иллат пайдо бўлса-ю, бошқа жойларда учрама-са, унинг сабаби шу жойдан ахтарилади. Аммо бу каби иллатлар бир нечта шун-



дай жамоада, бошқа ҳудудлардаги ўхшаш ижтимоий гуруҳларда ҳам кузатилса, демак унинг сабаблари тизимнинг бошқаруви ва ташкил этилиши билан боғлиқ бўлади.

Хўш, тизимдаги муаммоларнинг келиб чиқишида энг асосий муаммолар нимадан иборат?

Аввало, кадрлар салоҳиятини яхшилаш энг долзарб вазифадир. Зеро, ҳар қандай ижтимоий фаолият равнақи ёки таназзули кадрларнинг салоҳияти билан боғлиқ. Шу пайтгача экология тизимида

барча муаммоларни келтириб чиқараётган бу масала том маънода ислоҳ қилингани йўқ. Аслида барча соҳалардаги энг асосий муаммоларни ўқувсиз ва билимсиз кадрлар келтириб чиқаряпти.

Тўғри, биз бу мақола билан тизимдаги барча ходимларни ўқувсиз ва билимсиз, демоқчи эмасмиз. Ўз касбининг фидойи ходимлари ҳам кўп.

Навоий вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбари Улуғбек Раззақовнинг йиғилишидаги «аҳмоқ одам,

ўзига ишонмаган, чаласавод, сиёсий кўр одам ўртага воситачи қўяди», деган гаплари Экология тизимига ишга киришда таниш-билишчилик яхшигина авж олганини исботлаб беради.

Афсуски, таҳририятимизга келаётган мурожаатлардан шу нарса аён бўляптики, тизимда бевосита экомутахассислар кам. Аксарияти бўшатилган.

Навоий вилоятидаги ўша йиғилишдаги аудиоёзувга кўра, бошқарма бошлиғи Нурота тумани экология инспекторидан Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган коврак ўсимлиги тўғрисида аниқ маълумот сўраганида, ходим экилмаган ер майдонларида коврак ўсимлиги экилган деб, алдашга уринган. Бу билан ўзимизни алдамаяпмизми?

Масалан, Нурота туманида 2021 йилда 12 та дарахт кесил-

ган, деган маълумот ортида аслида 100 дан ортиқ кесилган дарахтларнинг аянчли тақдири яширилса, эртага уларга ҳеч ким ишонмай қўяди-ку?!

Тизимни янгилаш учун, аввало, чуқур ўйланган ва илмий асосланган концепция ишлаб чиқиш, бугунги экологик муаммолар долзарб-лашган пайтда Экология қўмитаси ва унинг вилоят бошқармаларига экомутахассисларни ишга олиш, малакасиз кадрларни алмаштириш зарур.

Ҳеч кўрганмисиз, яхши агрономсиз қишлоқ хўжалиғи, яхши муҳандиссиз саноат ривожланганини? Худди шундай экология ҳам мутахассислар, билимли ходимларсиз ривожланмайди.

**Феруз
САЙФУЛЛАЕВ.**

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПЯПТИ»

Шу кунларда маҳалламиз янада кўркамлашиб, шаҳардан қолишмайдиغان шароитларга эга бўлиб бормоқда. Мисол учун азалдан бизда ичимлик суви муаммоси, электр энергиясидаги узилишлар кузатиларди.

Яқинда вилоят ҳоқими Хўжабод ва Боғистон кўчаларида аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, муаммоларни ўрганди. Эътиборлиси, тегишли соҳа мутасаддиларига мустақиллик байрамига қадар бошланган ишларни яқунлаш бўйича топшириқлар берди. Маҳалла аҳлини қийнаб келаётган ичимлик сув, электр тармоғини янгилаш, ички кўчаларни шағаллаш каби муаммолар ечими бўйича ишлар бошланди.

Шунингдек, мослаштирилган бинода фаолият олиб бораётган 57-умумтаълим мактабига қўшимча бино қуриш, маҳалладаги болажонлар учун янги мактабгача таълим ташкилоти бунёд этишга ҳам киришилди. Суюлтирилган



газ истеъмолчиларига қулайлик яратиш мақсадида 675 дона ID карта тарқатилди. Маиший газ баллон сўраб қилинган мурожаатлар ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 8,1 км. ичимлик суви тармоғи тортиш ишлари ҳам ниҳояланмоқда.

Маҳалланинг юқори қисмида жойлашган мавжуд тик қудуққа сифими 25 метр/куб бўлган сув минораси

ўрнатиляпти. Натижада 355 хонадонда яшовчи 2 мингдан ортиқ аҳоли мунтазам ичимлик сув билан таъминланадиган бўляпти.

Бугун аҳолимизнинг кайфияти ўзгача. Сабаби юқоридаги муаммолар 30 йилдан бери ечилмай келарди.

**Аҳмаджон МУТАЛОВ,
Янгиқўрғон
туманидаги «Янги
Боғистон» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.**

МЕНДА САВОЛ БОР...?

Ўзини ўзи банд қилган сартарошчи солиқ тўлайдими?

— Менинг сартарошхонамда ишлаётган сартарош усталар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сифатида рўйхатдан ўтишса, солиқларни ўзлари тўлашадими? Уларни қандай расмийлаштираман ва уларга ойлик маоши ҳисоблайманми?

**Азамат ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳри.**

**Даврон ҲОШИМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими:**

— Жисмоний шахсларга сартарошлик фаолиятини мустақил равишда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида амалга оширишга рухсат берилган. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолди. Бир неча жисмоний шахслар сизга тегишли объектда сартарошлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, уларни яқка тартибдаги тадбиркорга (3 нафаргача) ёки юридик шахсга ишчи (ёлланган ходим) сифатида расмийлаштиришингиз ҳамда уларга ҳисобланган иш ҳақи суммасидан белгиланган тартибда солиқ агенти сифатида солиқларни бюджетга тўлаб беришингиз лозим бўлади.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНЯПТИ?

Шундай даврлар бўлдики, хонандаларнинг чет эл мусикаларини ўғирлаб қўшиқ куйлаши одатий ҳолга айланди. Ёки катта авлод санъаткорлари ижросига мансуб ашулаларни куйлаганлар уларнинг рухсатини олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмади. Шоирларнинг китобларда чоп этилган шеърлари-ку ерда ётган нарсадек эди.

Тўқсонинчи йилларда Туркияда яшаб ижод қилган хонанда ўзбекистонлик шоирлардан бирининг шеърини қўшиқ қилади. Қўшиқни студияда ёзмоқчи бўлишганида, муаммо чиқади. Яъни шеър учун гонорар берилгани ҳақида давлат органи томонидан тасдиқланган шоирнинг розилик хати талаб қилинади. У вақтларда интернет ривожланмаган, бундай ҳужжатни етказиш эса муаммога айланади.

Бизда эса айрим машҳур санъаткорлар томонидан бастакорларнинг меҳнатига ҳақ тўламай юзсизларча алдаб кетиш ҳоллари ҳам бўлган экан. Албатта, бу кечаги кун, лекин бу манзара ҳозирги даврга ҳам ёт эмас. Ижод ўғирликлари учраб туради. Фақат қўшиқчилик соҳасида эмас, барча ижод турлари бўйича яратилаётган асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқи яхши ҳимояланмаган.

Тўғри, бу борада қонунчилик бирмунча мукамаллашган. Муаммо бошқа ёқда. Битта-иккита ижодкор муаллифлик ҳуқуқи бўйича талашмаса, аксарияти қўл силтаб қўя қолади. Чунки ижодий меҳнатга унча катта ҳақ тўланмасли-



гина яхши билишади. Уларга санъат ёки адабиёт аҳли ўртасида тан олиними — энг катта мукофот. Бундан фойдаланган сохта ижодкорлар эса ҳеч иккиланмай бировларнинг меҳнат маҳсулини эгаллаб олишади.

Хўш, ушбу ҳолатларга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоячилари қандай чора кўришмоқда?

Контрафакт билан шуғулланаётган 30 га яқин веб-сайтлар аниқланди

— Ҳозирги кунда адабий-бадиий асарларнинг контрафакт айланмасига қарши самарали курашиш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди **Интеллектуал мулк агентлиги Матбуот хизмати раҳбари Феруз Жўраев**. — Муаллифларнинг ҳуқуқлари нафақат нашриётлар томонидан, балки интернет тармоқларида мавжуд

веб-сайтлар орқали ҳам бузилаётганлик ҳолатларини кўплаб учратиш мумкин. Жорий йилнинг 15 февралдан 15 мартга қадар ўтказилган контрафакт маҳсулотлар реализациясига қарши самарали курашишни кўзда тутувчи «Контрафактсиз ойлиги» давомида интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи объектлари ноқонуний тарқалишини бартраф этиш чораларини кўриш юзасидан Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг рухсатсиз интернет веб-сайтларида уларнинг асарларини, ижрочилар томонидан ижро этилган қўшиқларнинг фонограмма нусхаларини жойлаштириш ва тарқатиш билан шуғулланиб келаётган

30 га яқин веб-сайтлар аниқланди ҳамда ушбу веб-сайт эгаларига нисбатан агентлигимиз томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар чиқарилди ва ушбу ҳаракатларни тўхтатиши, акс ҳолда бу ҳолат маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Бу каби чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатмай қолмади. Жумладан, агентлик томонидан ушбу ҳолат юзасидан веб-сайтларга (TOPMUZ.UZ), (ASILMEDIA.UZ), (MEGANIT.UZ), (JOZIBALI.UZ), (MUSICTOP.UZ), (SIFATLI.UZ) нисбатан тақдимномалар киритилиб, муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг асарларини ҳамда ижрочилар томонидан ижро этилган қўшиқларнинг фонограмма нусхаларини уларнинг рухсатсиз интернет веб-сайтларида жойлаштириш ҳолатларига барҳам берилди.

Шунингдек, машҳур бастакор Султонали Раҳматовнинг «Армон» номли мусиқасидан «Омад шоу» кўрсатувида рухсатсиз фойдалангани, ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг «Қўрқма» асаридан телеграм каналларида рухсатсиз фойдаланиш, «Asaxiy Books» MChJнинг Уолтер Айзексоннинг «Стив Жобс» китобига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бузилиши, «Мендирман Жалолiddин» кўп қисмли тарихий фильмини интернетда намойиш этиш каби ҳолатлар аниқланиб, ноқонуний ҳаракатлар тўхтатилди.

Жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида интеллектуал мулк ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш

соҳасида марказлар томонидан жами 150 дан ортиқ турли шаклдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Албатта, контрафакт маҳсулотга қарши огоҳликни ошириш бўйича саъй-ҳаракат аҳоли эътиборидан четда қолмади. Агентлик томонидан телеграм ижтимоий тармоғида яратилган @ima_monitoring_bot махсус алоқа тизими га фуқаролардан контрафакт маҳсулотлар бўйича юзлаб турли мурожаатлар келиб тушмоқда.

Хулоса ўрнида

Бугунги интернет оммалашган даврда ижодга оид ўғирликларнинг ҳар бирини фош қилиш қийин. Бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш яхши. Лекин фақат интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоячилари ва жамоатчиликка суяниб қолиш тўғри эмас. Биринчи навбатда, ижодий меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдорини муаллиф ҳис қиладиган даражада ошириш зарур. Токи ижодкор ўзи асарига безътибор бўлмасин, унга бўлган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича курашсин. Иккинчидан, қўшиқ ёзиш студияларида, теле ва радио каналларда муаллифларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш талаби қўйилсин. Бу қоида нашриётлар, веб-сайтларда ҳам жорий қилинса, янада яхши бўлади. Ушбу тартибга амал қилмай, ижод ўғрисига йўл очиб берган студия ёки нашриёт, веб-сайтлар ҳам катта жаримага тортилса, муаллифлик ҳуқуқи масаласида ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МАҲАЛЛАМИЗДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ЙЎҚ»


Бугунги кунда маҳалла том маънода аҳолининг суянчига айланди. Ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркор бўлмоқчи бўлган фуқароларга имтиёзли кредит олишида кўмаклашиш, ҳудудни ободонлаштиришга бош-қош бўлиш ва бошқа сон-саноксиз вазифаларни амалга ошириш одамларнинг ҳаётдан розилигини таъминлашга хизмат қилади.

Бизнинг маҳалламизда ҳам бундай ўзгаришларни аҳоли ҳис этмоқда. Лекин баъзи муаммоларнинг мавжудлиги кўнгилни хира қилади. «Обод маҳалла» дастури ҳудудимизга етиб келмаган. Шу боисдан маҳалламиз шу кунгача ўз биносига эга эмас. Ҳозирда фаолият юритаётган биномиз ҳам талабга жавоб бермайди.

Маҳалламизни «спортчилар маҳалласи» ҳам дейишди. Чунки ёшларимизнинг бу соҳага қизиқиши кучли. Ҳудудимиздан моҳир спортчилар, спорт мураббийлари етишиб чиқмоқда. Жумладан, яқинда маҳалладошимиз Дониёрали Шералиев Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлди. Лекин аҳолимизнинг спорт билан шуғул-

ланиши учун шароит етарли эмас. Оддий спорт майдончаси йўқ. Агар мутасаддилар шу масалага эътибор қаратишса, ёшларимизга катта ғамхўрлик кўрсатилган бўларди.

Ҳабибулло ҚУРБОНОВ,
Ғузур туманидаги Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Улуғ ёзувчи Ойбекнинг романидан кейин Алишер Навоий ҳақида яна шундай катта кўламли асар ёзилишини ҳеч ким кутмаган эди. Гўё бу вазифа бажариб бўлинган, ижодкорларнинг мавзуга қайта қўл уришларига ҳожат йўқдек туюларди. Таниқли адиб Исажон Султоннинг «Алишер Навоий» романи ушбу тасаввуримизни ўзгартирди.

Асарни ўқиркансиз, мутафаккир шоирнинг бола (Ғаройибу-с-сиғар), йигит (Наводиру-ш-шабоб), ўрта ёш (Бадоеъу-л-васат), кекса инсон (Фавойиду-л-кибар) қиёфаларида акс эттирилиши орқали улкан шахс ва беназир ижодкорнинг шаклланиши, буюклик чўққисига кўтарилиши ўзгача услубда гавдалантирилганига гувоҳ бўласиз.

Ҳазрат Навоийнинг ота-онаси, аждодлари ким бўлган, у қандай муҳитдан етишиб чиққанига кўп қизиқамиз. Бу шунчаки қизиқишдан эмас, улуғ шоир сиймосини ўзимизча кашф этиш, тўлақонли кўз олдимизга келтириш эҳтиёжидан пайдо бўлади. «Алишер Навоий» романи бу масалада бизга ёрдам беради. Шу маънода таниқли адабиётшунос Шухрат Ризаев: «Асарда Алишер Навоийнинг яқин қариндошлари, тоғаларининг ўрни, унинг Ҳусайн Бойқаро билан муносабатлари жуда гўзал ифодаланган. Навоийнинг динга яхшигина ҳомийлик қилгани ҳақида гап боради. Умуман олганда, бадиий асар ўқувчига янги ва яхши маълумотлар улашади», — дея эътироф этган фикрларида жон бор.

Дарвоқе, Навоийнинг отаси, тоғалари ҳарб одамлари, жисмонан бақувват, паҳлавон келбат, ирода-си бақувват инсонлар эди. Айни пайтда улар нозик қалбли, адабиётга, шеърятга муҳаббати кучли бўлган. Алишер Навоийнинг зуваласи ана шу зотлардан мерос бўлиб, ижодда ва давлат ишларида фаоллиги, юксак натижаларга

эришишига йўл очган ундаги қатъият ва метин ироданинг замини наслий хусусиятларга боғланади. Романда ёш Алишер ва тоғалари ўртасидаги мулоқотлар, муносабатлар акс эттирилган сахналар ана шу ҳақиқатни бизга жонлантириб кўрсатиб беради.

Аслида Навоийнинг яқин қариндошлари ҳақида жуда оз маълумот етиб келган. Биз маълумот деб юрганларимизнинг кўпи тўқима. Мисол учун, онасининг исми, ким бўлганлиги номаълум, фақат отасининг исми ва касби баъзи манбаларда кўрсатилган. Аждодлари ҳақида ҳам узук-юлуқ маълумотлар учрайди. Лекин романда уларнинг тасвирланишида ҳақиқатга зид нарса йўқ. Чунки барча ишончли манбалар ва Навоийнинг ўзи ҳам яқинлари ва аждодлари улуғлик сифатига эга зотлар бўлганлигини таъкидлаган.

Асарнинг фазилатлари ҳақида тўхталганда, ёзувчининг табиатни тасвирлаш маҳоратини алоҳида тилга олиш жоиз. Чунончи, «...Елларда майин чайқалган қизғалдоқлар кўзга ташлангани билан, аслида бу ерда нималар йўқ дейсиз? Тиғиз ўтлоқ узра елган еллар забтида ўйнаган яшил қаболи, қирмизи дасторли ёш толиларга ўхшаб кетувчи қизғалдоқлар қаторида оқ шойи гуллари эзган печаклар, силлиқ узун баргли ёввойи арпа, кўк гул очган йўнғичқа, ҳар ер-ҳар ерда ғуж ўсган беор ажриқлар, узун пояси эгилиб қолган курмаклар, катта япроқлари солланган бангидевоналар аро яна ўзга тур тириклик барқ уриб, ҳашаротлар визиллаб, ниначилар учиб юради», каби ёрқин тасвирларга романда кўп дуч келиш мумкин. Эътиборлиси, ўрни-

ўрнида навоийёна ташбеҳлар кўзга ташланиши асар руҳини белгилаб беради. «Тикан кўк тиғиз гул очиб, Тангрига ҳамду санолар айтади. Ажриқ кўкиш, тарамтарам шокила бўлиб гуллади. Курмак узун бош чиқаради. Момоқаймоқ укпарини сочади. Печакдай безори ҳам чирмовуғини узунасига ташлаб, ҳар бўғмида биттадан оқ-сарик дас-торли маддоҳ пайдо қилиб қўяди. Беда эса ундай маддоҳларни ғужлаб тизади. Буларнинг бари ифор таратади, у ифор ҳам чечак ибодатидир», — сингари тасвирларга дуч келганда «Хамса»даги рангин, ўйноқи мисралар ёдга тушади. Дарҳақиқат, ўсимлигу жонзотлар, қолаверса, бутун борлиқнинг туриш-турмуши Аллоҳга ибодатни англатиши Навоий асарларида бўртиб кўринади.

Маълумки, Навоий ҳаётининг катта қисми давлат ишларига сарфланади, юқори рутбали мансабларда хизмат қилади. Ёзувчи романда сарой муҳити, ундаги амалдорларнинг мансаб учун кураши, бу йўлда ҳар қандай разилликдан қайтилмаслигини ишонарли тасвирлаб беради. Хусусан, Навоийнинг Мажидиддин ва бошқа вазирлар билан ўртасида зиддиятли вазиятларни енгишга ҳаракат қилиш жараёнидаги ички руҳий кечинмалари ифодаси анча таъсирчан.

Романда Навоий шахсияти буюклигини кўрсатиб берадиган қизиқ бир воқеа тасвирланади. Амир Алишер Ҳусайн Бойқаро томонидан муҳрдор этиб тайинлангач, фуқароларни қабул қилиб, арзу додини тинглайди ва адолат чорасини кўришни бошлайди. Шу кунларнинг бирида садрлик мансаби-

га етишган Мавлоно Мавлавий деган киши кириб келиб арзини шундай баён қилади:

«— Хожа Ҳусайн Кирангий мени қаттиқ ҳақорат қилди. У менга, сен илгари Мавлоно Муҳаммад Муаммой навкарларидан бири эдинг, деди». Навоийнинг унга жавоби эса барчани лол қолдиради:

«— Илгари Амир Султон Ҳасаннинг навкари бўлган мен эндиликда амирлик каби муҳим мансабга эришганимга ва ноиблик каби юқори лавозимга етишганимга қарамасдан, ҳали ҳам у кишининг хизматида бўлишдан ор қилмайман, балки агар имкони бўлса, у кишига олдингидан ҳам кўпроқ хизмат қилиб, ўзимни у кишининг хизматкорлари жумласидан ҳисоблайман». Энг қизиғи, шу даврада Амир Султон Ҳасан ҳам бўлиб, ушбу сўзлардан беҳад хижолатга тушади. Асосийси бу эмас. Гап ҳазрат Навоийнинг қалбан суфийлик маслаги билан боғланганлигида, Нақшбандия тариқатининг чин муҳлиси эканлигидадир. Тариқат талаби эса ички манманликни ўлдириш, қалбни ҳоқисор тутишни тақозо этади. Бу воқеа ана шу нарсага ишорадир.

«Хамса» — Навоийнинг ўзбек адабиётига, ўзбек маънавиятига буюк тўхфасидир. Романда улуғ шоирнинг мазкур дostonни ёзиш жараёнида қалбан, маънан юксакликка кўтарилиши, илҳом онларининг илоҳий маърифат ҳайратидан куч олиши гўзал тарзда ифодланади. Ушбу тасвирлар фониде ҳазрат Навоийнинг ижодий сиймоси кўз олдимизда тўлиқ гавдаланади ва мутафаккир қалби билан ғойибона суҳбатдошга айланамиз. Назаримизда, Исажон Султоннинг ўзи ҳам мазкур саҳифаларни

қоралаш чоғида ана шундай суҳбат лаззатини туйган бўлса ажабмас.

Алишер Навоий адабиётни фақатгина санъат тури сифатида тушунмаган, унинг яралишини илоҳиётга боғлаб тавсифлаган. «Инсонга ато этилган ёруғ дунёнинг сон-саноксиз неъматлари аро сўз — ўзга оламнинг, мангулик диёрининг вакилидир. Шунча жон эгалари орасидан угина мангуликка учгайдир. Тоғлару уммонлар, сахрою кўллар, мулклару салтанатлар — барининг кули кўкка совурилиб кетар экан, фақат угина қиймат топгайдир. Фозиллар айтадиларки, инсон боласи шунчалар мукаррамки, ёруғ дунё унинг биргина нафасига арзимайди! У ҳолда, ўша нафас не? Қай сўзни айтиши учун ато этилмиш?» «Хамса»нинг ҳар бир достони муқаддима-сидиғи болларда сўз таърифиде келтирилган тавсифларга нақадар уйқаш! Ҳа, назмчининг вазифаси жимжимадор, мағзи бўш сўзларни қатор тизишдан иборат эмас, абадият қаричи билан ўлчанадиган маъноларни лафзга келтиришдир. Шу маънода улуғ Навоий мерос қолдирган асарлар буюк маърифатдан, комилликдан сабоқ беради.

Мухтасар айтганда, «Алишер Навоий» романи енгил ўқиладиган асар эмас, балки буюк шоир тафаккур дунёсига сайр қилиш машаққатини юклайдиган, айни пайтда ушбу машғулот лаззатини бахш этадиган битикдир. Бу Навоий даҳосини англашимизда бизга кўмак берадиган яна бир етук асар билан ўқувчиларни қутлаш имкониятини беради.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

ҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР, АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР!

«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ ЮТИБ ОЛИНГ!

Mahalla


ГАЗЕТАСИГА 2022 ЙИЛ УЧУН ЙИЛЛИК ОБУНА БЎЛИБ, СИЗ АКЦИЯ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНСИЗ.

5 та рангли телевизор;



ҲАР БИР ЮТУҚЛИ ЎЙИНДА

5 та замонавий ноутбук;



5 та замонавий музлатгич;



5 та кир ювиш машинаси



1 та «Nexia 3» АВТОМОБИЛИ



КАБИ СОВҒАЛАРДАН БИРИНИ ЮТИБ ОЛИШ
ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАСИЗ

АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШ
ШАРТЛАРИ ЖУДА ОДДИЙ

Сиз ҳудудингиздаги **БАНК ФИЛИАЛЛАРИДА** ёхуд **ИСТАЛГАН МАНЗИЛДАГИ «Paynet»** шохобчаси ва «Click», «Payme» тўлов тизимлари орқали газетамизга **БИР ЙИЛЛИК** обунани амалга оширасиз. Бунда тўлов варақасида туман ёки шаҳрингиз, маҳаллангиз номи ва исм-фамилиянгиз ҳамда телефон рақамингиз **ТЎҒРИ ВА ТЎЛИҚ** кўрсатилиши шарт. Тўлов варақасидаги маълумотларингиз таҳририят томонидан алоҳида **ТАРТИБ РАҚАМИ** билан белгиланади ва мазкур рақамли маълумотлар «Mahalla» газетасида эълон қилиб борилади.

Берилган махсус рақам орқали Сиз ютуқли тиражимизда **ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА** эга бўласиз.

«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИДАН
СИЗЛАР УЧУН ЯНА БИР ЯНГИЛИК.

АКЦИЯНИНГ 2-ТИРАЖИДАН БОШЛАБ, СИЗ «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИГА БИР ЙИЛЛИК ОБУНАНИ АМАЛГА ОШИРИБ, ЙИЛ ОХИРИГА ҚАДАР ЎТКАЗИЛАДИГАН БАРЧА ЎЙИНЛАРНИНГ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНСИЗ.

ЭНДИ СИЗ ҚАНЧА ТЕЗ АКЦИЯ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНСАНГИЗ, СОВҒА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИАТИ ШУНЧА КЎПАЯДИ.

ЮТУҚ СОВРИНДОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАДБИРИ «ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» КЎРСАТУВИ ЖОНЛИ ЭФИРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ҲА, АЙТГАНЧА. 2021 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН АКЦИЯ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАМ АКЦИЯНИНГ БАРЧА ЎЙИНИДА ИШТИРОК ЭТАДИ (ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНЛАР БУНДАН МУСТАСНО).



МУРОЖААТ УЧУН
ТЕЛЕФОНЛАР: (71) 233-10-92
(71) 233-39-89
(97) 146-02-07

Батафсил маълумот:

https://t.me/Xolis_nazar
<https://www.facebook.com/Xolis-Nazar>
https://www.instagram.com/xolis_nazaruz

УНУТМАНГ, АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИБ, СИЗ ҲЕЧ НАРСА ЮТҚАЗМАЙСИЗ —
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ЙИЛ ДАВОМИДА 52 МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗ МЕҲМОНИГА АЙЛАНАДИ!!!

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Ахборот
ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан
давлат рўйхатидан
ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Илҳом БОЛТАЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета
таҳририят
компьютер
марказида
саҳифаланди ва
офсет усулида
босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 6 босма табак. 7700 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-818 1 2 3 4 5 6